

O'ZBEKISTON TARIKKI

HISTORY OF UZBEKISTAN

3/2014





O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI



3
—
2014

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to 'rt marta
chiqadi.

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi



Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI


O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Ю. Скайлер. Самарқанд	3
Ж. Авазова. XIII асрнинг бошларида Хоразмшоҳлар давлати ва Бағдод халифалиги алоқаларида Шайх Суҳравардий элчилиги	16
Д. Зияева. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари ва урбанизация жараёнлари	28
А. Тоғаева. XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон шаҳарларининг ривожланиш хусусиятлари ва муаммолари (1950–1990 йиллар)	39
С. Горак. Чех-ўзбек муносабатлари тариҳидан	51
<i>Методология ва тарихшунослик масалалари</i>	
Д. Алимова. Марказий Осиё ҳалқлари тарихида маданий симбиоз ва трансформация масалалари: тадқиқотчилик дискурсининг ривожи	60
<i>Тарих ва тарихчилар</i>	
О. Пуговкина. Туркистоннинг сиёсий тарихида «собиқлар» тақдири. Н. С. Лиқошиннинг ҳаётидаги парадокслар	72
Ф. Шамукарамова. Академик Я. Ф. Гуломовнинг археология муаммоларига қарашидан бир гувоҳлик	83
Э. Умаров, Г. Агзамова, А. Атаходжаев. С. Г. Кляшторнийнинг Марказий Осиё тарихини ўрганишга кўшган ҳиссаси (олим хотирасига)	93

ЭКЗ
№



СОДЕРЖАНИЕ

Ю. Скайлер. Самарканд	3
Ж. Авазова Роль Шейха Сухраварди в дипломатических отношениях государства Хорезмшахов и Багдадского халифата в начале XIII века	16
Д. Зияева. Города и процессы урбанизации в Туркестане в конце XIX — начале XX века	28
А. Тогаева. Особенности и проблемы развития городов Узбекистана во второй половине XX века (1950—1990 гг.)	39
С. Горак. Из истории чешско-узбекских отношений	51
<i>Вопросы методологии и историографии</i>	
Д. Алимова. Вопросы культурного симбиоза и трансформации в истории народов Центральной Азии: эволюция исследовательского дискурса	60
<i>История и историки</i>	
О. Пуговкина. Судьбы «бывших» в политической истории Туркестана. Парадоксы жизни Н. С. Лыкошина	72
Ф. Шамукарамова. Одно свидетельство взгляда академика Я. Г. Гулямова на проблемы археологии	83
Э. Умаров, Г. Аззамова, А. Атаходжаев. Вклад С. Г. Кляшторного в изучение истории Центральной Азии (памяти ученого)	93

Таҳрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош муҳаррир)
Равшан Абдуллаев
Баҳром Абдуҳалимов
Мирзурт Абусеитова
(Қозогистон)
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсадик Исҳоқов
Сурайё Каримова
(бош муҳаррир ўринбосари)
Нодира Мустафаева
Зоя Орифхонова
Мирзоҳид Раҳимов
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Темур Ширинов
Нозим Ҳабибуллаев
Назокат Қосимова
Шоира Асадова
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100170, Тошкент

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 10.11.2014.
Босишга руҳсат этилди 10.12.2014.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}.
Таймс гарнитура. Офсет босма.
Офсет қоғози. Ҳисоб-нашриёт т. 6,0.
Шартли босма т. 7,8. 270 нусха.
Буюртма № 58.
Келишилган нархда.

Оригинал-макет «ILM ZIYO» МЧЖ
нашриёт уйида тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 30-уй.
«PAPER MAX» XК
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 30-уй.

Ю. СКАЙЛЕР*

САМАРҚАНД

Мулла — Чиноз — Мирзачўл — Асафетида — Мирза Работ — Жиззах — Темур дарвозаси — Қоятош ёзувлари — Ҷўпонота — Самарқанд манзараси — Ҳофизлар — Қадимги тарихи — Юнон-Бақтрия сулоласи — Хитой сайёҳлари — Клавихо — Бобурнинг таърифи — Шоҳизинда масжиди — Бибихоним — Шердор — Темур мақбараси — Кўк тоши — Хўжса Аҳрор — Усмон Куръони — Бозорлар — Дарвишлар — Яхудийлар — Афғонистон амири Абдураҳмон — Рус авантюристлари — Рус аскарлари — Рус маъмурияти

Майнинг ажойиб оқшомларидан бирида тилмочим Мулла Хайрулло(ҳ) билан Самарқандга жўнадик. Шаҳардан (Тошкентдан — З.С.) олиб чиқувчи ва баланд пахса деворли кўплаб боегарниң орасидаги тузгунроқ йўлни тезда ўтиб, қўққисдан генерал-губернаторниң қарийб шаҳардаги уйидек яхши жиҳозланган вилласига¹ етиб келдик. Сўнгра талай боғлар ва очиқ далалардан ўтиб, кеч кирганда Ниёзбаш(и) бекатига етиб келдик. Мулла Россиянинг қозонлик татарларидан бўлиб, у ердаги мадрасада таълим олган, омадини излаб Тошкентдаги қариндошлари орқали бу ерга келиб қолган менинг дўстим Олим ҳожи Юнусовнинг жияни эди. У божхонага таржимон ва ёрдамчи бўлиб ишга кирган, аммо у ерда кўрган пораҳўрликка тоқат қилмаганидан хизматини тарк этиб, Якшанба бозорида кичикроқ дўкон олиб, чит ва газлама сотарди. Ундан тўлиқ қаноат қилмаганиданми ёки форс ва араб, шунингдек, рус, татар, қозоқ тилларини билганиданми, адабиётнинг «таъм»ини билишга иштиёқ қилган, лотин тилини такрорлаб юрганидан менга ҳатто Гораций² қасидасининг ярмини таржима

* Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. London, 1876. Vol. I. (Счайлер Ю. Туркестон: Рус Туркестони, Қўқон, Бухоро ва Фўлжалага саёҳат қайдлари. — Лондон, 1876. I жилд) // Инглиз тилидан қисқартирилган таржима ва изоҳлар т.ф.н., доц. З. Сайдбобоевники. Давоми, боши ўтган сонда.

¹ Вилла — боғли кошона.

² Гораций — мил. ав. 65 — милодий 8 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим шоири. Рим адабиётининг «олтин асли» вакили. Унинг ижоди Республика даврининг сўнгидаги фуқаролар уруши ва Октавиан Август янги режимининг дастлабки ўн йилликларига тўғри келади.

қилиб берган эди. Университетда ўқимаганидан чексиз афсус чекар, бўш вақтларида Куръон, диний ва ҳукуқий китобларни мутолаа қилар, расмийлар томонидан энг заарсиз саналган ва ўқишини такомиллаштириш, сиёсий фоялардан буткул холи бўлгани боис, маҳаллий аҳолига тақдим этиш мумкин бўлган «Минг бир кечак»ни «Туркистон вилоятининг газети»га илова учун таржима қиларди. Мулла Хайрулло(ҳ) жуда дилкаш шерик бўлиб, аввал Самарқандда бўлмаган, ҳолбуки мамлакат ва унинг турли жойларининг турмуш тарзини яхши биларди. Кейинроқ Самарқандда менга таржимон уччалик зарур эмаслиги ва усиз ҳам етарлича яхши юрганимни ҳис қилдим.

Эндиликда Чирчиқ дарёси ёқалаб баланд жойлардаги йўл жуда ёмон, тупроқли ер чанглар билан тўла тешиклар ҳосил қилган эди. Ёқимли ва хушманзара, баъзан жуда кўхна жойларига қарамасдан Эски Тошкент нишоналарини ортда қолдириб, эрталаб соат бешда Сирдарё бўйидаги Чинозга етиб келдик. Бу ерда бир неча уйдан иборат рус қишлоғи яқинидаги йирик форт дарёдан ўтувчи паромни қўриқлар, маҳаллий шаҳар бир неча мил узоқда эди. Дарёдан қарийб Жиззахгача³ саксон мил узоқликда қуруқ чўл ястанган бўлиб, руслар «Голодная» ёки «Мирзачўл» деб аташган, гарчи бир-икки жойида шўр ҳамда ёқимсиз сувли қудук ва цистерналар бўлса-да, ҳозирда қуруқ ва унумсиз ер. Дарё яқинида эски канал ва ариқларнинг излари бўлиб, қачонлардир энг камида бу ерларга ишлов берилгани ва чўлнинг тоғлар яқинидаги бир қисмида аҳоли истиқомат қилиб, меҳнат қилганлиги, кичик тоғ дараси орқали Зарафшон дарёсидан канал келтирилганлигини билдиради.

Энг хусусиятли ўсимлик Асафетида⁴ бўлиб, бу ерда анча сероб ўсади. Япроқлари ерга тушиб нобуд бўлса-да, аммо баланд айланга пояси бир ва ундан баланд футгача ўсиб, тепага қараб худди фидирак кегайларига ўхшаб кенгайиб, кичкина бошчаларида аҳамиятсизгина гуллари бўлади. Ўзига хос ҳиди анчайин сезиларли, гарчи менга айтишларича, тўлиқ очилгач йўқ бўлар ва ёш куртаклари ҳамда бошчалари қозоқларга таом учун анча тансиқ саналади. Мен уларни тотиб кўрмадим.

Маликдан йигирма мил узоқликдаги эски карвонсаройларнинг харобалари Мирза Работ деб номланиб, сайёҳлар учун бу йўлда кўплаб

³ Бу ном калит маъносини билдириб, Дизах деб ҳам ёзилади. Мен (Ю. Скайлер — 3.C.) одатдаги талаффузини беряпман.

⁴ Асафетида — бўйи 1,5 м га етувчи кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

ишларни қилган машхур Абдуллахон⁵ томонидан қурилганлиги тахмин қилинади. Бино катта тўртбурчак гиштлардан қад кўтарган, марказий хона мавжуд бўлиб, у гумбаз билан қопланган ва теварагидаги кичик қуббасимон хоналарнинг ҳар бири кичик гумбазларга эга. Аслила ўз даврида катта ва чиройли иморат бўлган, ҳозирда ташқи деворлари вайрон бўлса-да, аммо қўнимгоҳ сифатида ҳали ҳам фойдаланиш мумкин. Бинони почта бекатидан ташқари кичикроқ казак қўриқчилари ҳам эгаллашган. Унинг қаршисида сардоба⁶ ёки цистерна деб ном олган йирик ер ости сув сақлови ясси том билан ёпилиб, ер баравар равоқсимон деразалари мавжуд ҳамда пишган гиштдан қурилган. Бирваракайига кириш пастга томон чуқурликка йўналган, аммо гиштли зина аллақачон йўқ бўлиб кетган. Ҳозирда ичкариси бўй-бўш, шундай бўлса ҳам бир бурчида яхшигина шўрланган сув бор. Жазира маҳалласидан сўнг унинг ичи кишини мафтун қиласидан даражада салқин эди.

Жиззахга яқинлашганимизда унча катта бўлмаган, кейинроқ эса йириклиша борган тоғ тизмаларига кўзимиз тушди. Улар Юқори Зарафшон водийси билан чегарадош бўлиб, сўл томонга кенгайиб кетган. Ниҳоят чўлда кўпдан-кўп серҳосил ерлар, дарахтлар ва далалар пайдо бўлиб, қаршимизда Жиззах деворлари ва уйларини кўрдик. Кунботарга яқин қарийб эндиғина бўшаб қолган бозорни айланиб ўтиб, тик бурилишдан қайрилдик-да, почта бекатида тўхтадик. Жиззахнинг ўзи ҳозирда унчалик муҳим шаҳар эмас, бозори учун аҳамиятли, авваллари Бухоронинг чегара истеҳкоми сифатида стратегик аҳамият касб этган.

Жиззахдан элтувчи йўл кичик тепаликлар ўртасидаги бир қисми торроқ водий – Илонутти дея маълум дара, ўйлашимча 100 ярдан⁷ кенгроқ. Бу дара мўғул ва туркий ўрдаларига Зарафшон водийсига кириш учун хизмат қилган, кўплаб қонли жангларнинг саҳнаси бўлган. Улардан иккиси баланд, эҳром шаклидаги кулранг-кўкиш қоя, гарчи

⁵ Шайбонийлар сулоласидан чиққан энг йирик ҳукмдор Абдуллахон II (1534–1598) назарда тутилган. Ҳукмронлиги 1583–1598 йилларга тўғри келади.

⁶ Сардоба (форс-тожикча — совук сув) — сув танқис ҳудудларда уни тўплаш ва сақлаш учун маҳсус қурилган гумбазли ҳовуз. Ўрта Осиё ва Шарқдаги бир неча мамлакатларда қурилган сардобаларнинг девори цилиндр шаклида, чуқурлиги 12–13 м, ҳовуз юзаси (10–15 м) ер сатҳи билан бир текис бўлган. Сардоба гумбази сифатли пишиқ гишт ва ганчдан ишланган, тепаси туйнукли, атрофларида ҳовузга сув тушадиган тешиклар қилинган. Кириш учун сардобаларга эшик ҳам ўрнатилган. Унинг олди сувни тоза сақлаш мақсадида девор билан ўралган.

⁷ Ярд — 91 см га teng инглиз узунлик ўлчови.

ёзуви ҳам, ривоят ҳам Соҳибқирон ҳақида бўлмаса-да, Темур дарвосаси деб аталади. Ўнгдаги қоя 400 фут⁸ баландликда, водийдаги мутлақ ёлғиз, юза қисми чуқур ўйилган, икки форсий ёзувли асосий қоялардан қариб 40 фут узоқда. Мулла театр дурбини ёрдамида қоятош ёзувларини ўқиб, менга таржима қилиб берди: «Аллоҳнинг ёрдами билан подшолар ва юртларни забт этувчи, у (Аллоҳ)нинг ердаги сояси, сунна ва диний қоидаларнинг ҳифзу ҳимоячиси, ҳукмдор ва иймон кўмакчиси Буюк султон Улугбек Кўрагон (Аллоҳ унинг бошқаруви ва ҳукмини бардавом этсин) мўфул мамлакатига юриш қилди ва у ердан бу мамлакатларга эсон-омон 828 йилда қайтди» (милодий 1425 йил). Улугбек Темурнинг машхур набираларидан бири, таълимга ҳомийлиги, расадхонаси, Самарқандда асос солган мадрасаси ва ўзининг астрономик жадвали билан маълум. Яна бир қоятош ёзуви бир ярим аср кейинги Абдуллахон ғалабаларидан бирига бағишиланган.

Ўнг томонимизда қад кўтарган Чўпонота деб номланган баланд яланг тепалик юқорисида шу номли авлиёнинг қабри бўлиб, у чўпонлар, шунингдек, Самарқанд шаҳрининг ҳомийси саналади. Эски ривоятга кўра, аслида Муҳаммад динини тарғиб этиш мақсадида саёҳат қилган араб миссионерлари шу тепаликда тўхтаб, қўй сўйиб, у қайнагач, ўзларининг кейинги саёҳатлари йўналишини қуръа ташлаб, ҳал этишга қарор қилишган. Бири қозонга қўлини солиб, қўйнинг бошини тортиб чиқаради. Бу унга илк танлов ҳуқуқини бериб, у Самарқандда қолишга аҳд қиласи. Бошқаси эса қўй юрагини чиқариб, Маккага қайтишни танлаган. Учинчиси орқа чорагини олиб, Бағдодга кетиш хоҳишини билдиради. Ўшандан бери ҳозиргача Самарқанд Исломнинг боши, Макка эса юраги деб юритилади. Самарқандда қолган ўша кимса Чўпонота, яъни чўпонларнинг отаси деб ном олган. Бу Улугбекнинг машхур расадхонаси жойлашган тепалиқда рўй бериб, унинг номи билан аталувчи астрономик жадвал аниқланган.

Энди биз тепаликнинг асосий қисмини ортда қолдириб, йўлнинг энг юқори нуқтасига етгач, қаршимизда лойдан сувалган томлар, тепасига тож каби қўндирилган улкан мовий гумбазлар ва баланд минораларни қўриб, машхур Самарқандга етиб келганимизни англадик. Торгина водийдаги уйлар ва боғлар оралаб тезгина одимлаганимиз учунми, ажойиб манзара у қадар узоқ давом этмади. Кўп ўтмай

⁸ Фут — инглиз узунлик ўлчов бирлиги, 0,3048 м га teng.

ўйилган ва қатор фор-унгурли, тупроқли тепаликка дуч келдик. Айтишларича, у ерда тақводор одамлар тарки дунёликда яшар экан. Дастрлаб мен ҳалигача серҳашам масжидларнинг харобаларини безаб турган мовий ва қадама нақшлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун бозорга йўл олдим. Бу ердаги масжидлардан бирининг пиллапоялари, шунингдек, майдон ва ҳатто йўлагида доира шаклида ўтирган катта оломонга кўзим тушди. Доира ўртасида иккита болакай шеър ўқимоқда эди. Улар «Хофизлар»⁹ бўлиб, томоша қилувчилардан бири менга улар илоҳий шеърларни ёддан ўқувчиларни англатишини айтди. Ҳар бирининг китоби бўлиб, товушларини майдоннинг турли қисмидаги тингловчиларга эшилтириш учун даҳанларининг турли томонларига кўйишдан бўлак, ундан фойдаланмас эдилар. Уларнинг ифодали ўқишлиари баъзан шунчалик баланд ва қулоқни тешадиган даражада бўлиб, улар (ҳофизлар – З.С.) товушларидан қар бўлиб қолмаслик учун иккала қўлларини ҳам қулоқларида тутиб туришар, баъзан эса паст товушда ўқишар, овозлари яхши тусланган эди. Европада Ўрта Осиёнинг ҳеч бир жойи Самарқанд номидек лол қолдирадиган даражада эмас. Романтика оғушига қопланган, ўзига хос даврларни бошидан кечирган ва ўзининг улуғворлик анъаналарини ақл бовар қилмайдиган даражада сирли сақлаб келаётган Самарқанд узоқ вақт дунёning қизиқишини уйғотиб келган. Маҳаллий анъаналарнинг юзага келиши афсонавий қаҳрамон Афросиёб номи билан боғлиқ бўлиб, унинг ғалабалари Эрон ва Туркия, шунингдек, Ўрта Осиёда тилларда достон бўлган. Деворлардан бироз ташқаридаги тепалик вайрона ва қўргонтепалардан иборат бўлган, у Қалъаи Афросиёб деб номланиб, шаҳарнинг асл жойи ҳисобланган. Шунга қарамай, Самарқанд тарихга Буюк Александр¹⁰ томонидан забт этилган Сўғдиёнанинг пойтахти Мароқанд номи билан кирган бўлиши ҳам мумкин. Унинг бундай номланишининг сабаби аниқ эмас; қанд тугалланмаси шаҳар маъносини англатиб, Ўрта Осиёда кенг тарқалган, аммо Мара ёки Самиар этимологиясининг ёлғиз ўзи маъно бера олмайди, аммо ҳар ҳолда

⁹ Ҳофиз (арабча — ёддан билувчи, сақловчи) — VII асрдан арабларда Қуръон сураларини ёддан қироат билан ўқувчи киши, қори. XI асрдан мусулмон Шарқ мамлакатлари (жумладан, Ўрта Осиё ва Хурросон)да мумтоз ғазал ва достонларни ёддан айтган кишилар, шунингдек, ўзи ҳам ижодкорлик қобилиятига эга, куй-оҳангларни эсда сақлаш қувва (ҳофиза)си ўткир бўлган, юқори малакали ашулачи, хонанда, айни пайтда, ўз фазалларини оҳангли ўқиган ҳассос шоирларга ҳам ҳофиз даражасида нисбат берилган.

¹⁰ Александр Македонский назарда тутилган.

бундай тахмин ҳам йўқ эмас. Александр замонида у йирик ва гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. Квинт Курций¹¹ унинг деворлари айланасига етмиш стадийга¹² тенглигини, ўша даврда ҳам ҳозирда бўлгани каби бошқа девор билан ўралган арк борлигини айтиб ўтган.

Унинг (Александринг — З.С.) ишонган қўмондонлари Бақтрия ва Сўғдиёна вилоятларида ҳақиқатан ҳам Юнон-Бақтрия деб ном олган ва христианлик даврига қадар бир юз ўттиз йил ҳукм сурган, маълум даражада юон маданиятини, шунингдек, македон тақвимини танитган сулолага асос солдилар. Эндиликда Даشت ва Самарқанд атрофидаги харобалардан топилаётган Деметрий, Евтидем, Антимах¹³ ва бошқаларнинг тасвиirlари туширилган кўплаб танга ва медаллардан ташқари ҳозирда унсиз йўқолган Юнон-Бақтрия сулоласи ўз даврини яшаб, барҳам топган ва пойтахти ҳозирги Хива яқинида бўлган, бу сулола чўлда яшовчи кўчманчи қабила юэчжилар¹⁴ томонидан ағдарилган (баён этишларича, Хитой қўмондони Чжан Цзян мил. авв. 125 йилда Самарқанд мамлакатига ташриф буюрган).

Мамлакат арабларнинг ҳужумларига қадар юэчжиларнинг ҳукмронлиги остида бўлиб, кўплаб босқинчилик юришларидан сўнг араблар 710 йилда бу юртга ислом динини олиб кирдилар. Форсий ва туркий ҳукмронлар бу ҳудудда араб сулоласига барҳам беришган бўлса, охир-оқибат Чингизхон 1221 йилда шаҳарни эгаллаб, уни талон-тарож қилган. Араб ва форс тарихчилари мўгулларнинг ваҳшийликлари ва Самарқанднинг бутунлай вайрон этилганлигини ўзларининг кўплаб

¹¹ Квинт Курций Руф — Рим тарихчиси. Тахминан милодий I асрда яшаб ўтган. Ўн жилдан иборат ва бизгача саккизта жилди етиб келган, машҳур саркарданинг ҳаёт йўли ҳақида анча тўлиқ маълумот берувчи «Буюк македониялик Александр тарихи» асарининг муаллифи.

¹² Стадий (стадиј) — қадимги даврда кўплаб халқларда масофаларни ўлчаш учун ишлатилган бирлик. Бир юон стадијси 178 м га тенг бўлган.

¹³ Юнон-Бақтрия подшолари. Мил. авв. тахминан 200—185 йилларда Деметрий, мил. авв. 230 — 200 йилларда Евтидем, Антимах эса мил. ав. 190—181 йилларда ҳукмронлик қилган. Бу ҳақда батафсил қаранг: История государственности Узбекистана: В 3-х т. / Авт.: Э. В. Ртвеладзе, Д. А. Алимова и др.; отв. ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. Ташкент: Узбекистан, 2009. 155—166-бетлар.

¹⁴ Юэчжилар — улкан кўчманчи қабила бўлиб, дастлаб Хитойнинг Наньшан тофлари, Дунъхуан, шарққа томон Лобнор кўлигача бўлган ҳудудда истиқомат қилишган. Ҳозирги Хитойнинг Ганьсу провинцияси ҳудудига тўғри келади. Мил. авв. II аср ўрталаридан хуннлар сиқуви остида юэчжилар Или дарёси водийсига қочишга мажбур бўлганлар. Кейинроқ хуннлар тазиёки кучайгач, жанубга, Шимолий Бақтрия ҳудудларига кўчганлар. Фарбга кўчган юэчжилар «Катта юэчжи», Наньшан тоғларида қолганлари эса «Кичик юэчжи» номини олишган.

асарларида ёзиб қолдиришган. Ҳақиқатда эса бундай бўлмаганлигини биз Самарқандга кейинги йил (1222) ташриф буюрган ва қишини шу ерда ўтказган Хитой сайёхи Чжан Чжун маълумотларидан билиб олганимиз. Унинг сўзларига кўра, шаҳарни 100 000 та оила тарк этган бўлса-да, уларнинг тўртдан бири шу ерда қолган, бу ерда талончилик кўп учраса-да, шаҳар яхши сақлангандек кўринар, далалар, унумдор боғ ва узумзорларга ҳалигача ишлов бериларди.

Самарқанд ва унинг атрофлари, Темур хукмронлиги давридаги салтанат ҳақидаги маълумотларни 1404 йилда Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси сифатида бу ерга келган рицарь дон Руи Гонсалес де Клавихо эсадаликларидан билишимиз мумкин. У ерда (Самарқандда – З.С.) тахминан ўша пайтларда асирикда бўлган мюнхенлик Ганс Шильбергер эса шаҳар ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган¹⁵.

Бобур хукмронлиги даврида Самарқанд ўзининг аввалги гўзаллиги ва тароватини сақлаб қолган. Бу ҳақда у 903 (1497) йилги эсадаликларида ёзиб қолдирган. Бобур, гарчи саройлардан талайгинаси вайрон бўлган бўлса-да, Темур ва унинг набираси Улуғбек томонидан кўплаб иморатлар ва боғлар бунёд этилганлигини ёзиб қолдирган. Дилкушо¹⁶ ёки «Кўнгилларнинг лаззати» боғидаги йирик саройда Темурнинг Ҳиндистондаги жангларини тасвирловчи туркум суратлар акс эттирилган. Темир дарвоза яқинидаги улкан масжид пештоқларига битилган Куръон оятларининг ҳарфлари бир мил узокроқдан ҳам bemalol ўқий оладиган ҳажмда бўлган.

Яна ҳозирги шаҳарга қайтсак.

Келганимнинг эртаси куни оқсоқол ва бир неча йигитлар менга шаҳар ёдгорликларини кўрсатишга аҳд қилишиб, ўзлари ҳам мен билан бирга боришли. Ҳар бир нарсани дикқат-эътибор билан кўздан ке-чирганимиз сабабли мазкур саёҳатга тўлиқ бир кунимиз кетди. Биз дастлаб Шоҳизинда масжидига йўл олдик. Уни баъзи саёҳатчилар янгилишиб, Темурнинг ёзги саройи деб ҳисоблашган. Ривоят қилишларича, Кусам ибн Аббос исломнинг илк даврларида Самарқандга келиб Куръонни файридинларга тарғиб этишда улкан муваффақиятларга эришади. Охир-оқибатда, шу ернинг ўзида душманлари томонидан тутилиб, боши танасидан жудо этилган. Аммо файридинларга тантана қилиш

¹⁵ Ю. Скайлер Клавихонинг «Буюк Темур ҳаёти ва фаолияти» асари Маркхем томонидан Хеклют жамияти учун қисман таржима этилганлигини, Шильбергер асарини эса Мюнхенда 1859 йилда чоп этилган Ньюманн нашридан кўрганлигини ёзган.

¹⁶ Боги Дилкушо — Самарқанддан 6 км узоқликда, унинг кунчиқар тарафида жойлашган чорбоғ. 1396—1399 йилларда қурилган.

насиб этмаган: Қусам кесилган бошини чаққонлик билан тутиб яқинидаги құдуққа сакраган ва у ҳозирга қадар ўша ерда қўним топган. Уни келгусида исломнинг ҳимоячиси сифатида яна олға чиқишга тайёр, деб ривоят қилишади. Шу сабабли ҳам у Шоҳизинда (Тирик шоҳ) деб аталади. Ривоятларга кўра, ўша воқеадан беш юз йил ўтиб, яъни 1868 йилда у яна пайдо бўлиб, русларни мағлуб этади дейишган. Бироқ Самарқанд эгалланди, Шоҳизинда эса пайдо бўлмади. Шундан бўлса керак, унинг шуҳрати кейинги пайтларда бироз пасайган. У қийноққа солинган жойда Амир Темур томонидан 1323 йилда масжид барпо қилинган¹⁷ ва дастлабки кўриниши жуда ҳашаматли ва маҳобатли бўлган. Ҳатто ҳозир ҳам унинг харобалари баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда Ўрта Осиёдаги энг серҳашам иморатлардан саналади.

Шоҳизиндандауз озок бўлмаган, аммо шаҳар деворларига чегардош жойда чиройли Бибихоним мадрасаси қад кўтарган. Айтишларича, мадраса Амир Темурнинг севимли рафиқаси ва Хитой¹⁸ императорининг қизи Бибихоним томонидан 1385 йилда бунёд этилган. Мадраса нафақат кириш қисмининг улканлиги билан, балки бош бинога тулашган катта гумбази билан ҳам ажralиб туради. У қўш гумбазли бўлиб, ички қуи қисмининг ярми узилиб тушган, ташқи гумбази ҳали-ҳануз тепасидаги оғир устунларни (унда ҳам каттагина туйнук очилиб қолганлигига қарамасдан) суюб турибди.

Уч томондан катта майдонли, бозорнинг ўртаси Бухородаги Регистонга тақлидан шу ном билан аталиб, у Шердор, Тиллақори ва Улуғбек мадрасаларидан иборат. Шердор мадрасаси майдоннинг шарқий томонини эгаллаган бўлиб, айтишларича, тахминан 1648 йилда¹⁹ И момқулихоннинг вазири Ялантўш Баҳодирхон томонидан қурилган. Биз асосий оstonадан кечиб, ҳар бирида иккитадан талабаси бор 64 та ҳужрали катта ҳовлига кирдик. Ҳолбуки мадраса кейинроқ қурилган бўлса-да, ўзига хос форсий меъморий услубини сақлаб қолган. Самарқанд Эрондан мустақил бўлган бўлса-да, пештоқнинг тепа бурчакларидаги шер, қуёш ва форсий куролларнинг тасвиirlари мовий ва оқ кошинлар билан дагал қопланган. Шер аслида йўлбарсга ўхшайди. Ҳар ҳолда шу каби кошинкор безаклар мадрасага Шердор, шерли деб ном берилишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

¹⁷ Бу ерда қўпол хатоликка йўл қўйилган. 1323 йилда Амир Темур ҳали дунёга келмаган эди. Шоҳизинда меъморий ёдгорлигининг юқори гуруҳидаги зиёратхона, уч қисмдан иборат масжид бинолари 1323 йилдан сўнг барпо этилган.

¹⁸ Мўғул ўрнига Хитой деб янглиш келтирилган.

¹⁹ Сана хато берилган. Мадраса аслида 1619–1636 йилларда қурилган.

Қалъадан жанубда, у қадар баланд бўлмаган тепаликнинг юқори-сида Самарқанднинг энг ноёб ёдгорлиги – Гўри Амир ёки Темур қабри жойлашган. У саккиз қиррали иншоот бўлиб, қовун шаклидаги гумбаз билан қопланган ва иккита вайрон бўлган минорадан иборат. Биз ўчиб кетган тасвирили пештоқ ва ҳовлидан ўтиб, масжидга олиб борувчи зиналарга келдик. Дарвоза тепасида: «Ушбу (бино – З.С.) исфаҳонлик ожиз қул, Маҳмуднинг ўғли Муҳаммад томонидан қурилган», деган форсий ёзув мавжуд.

Аркда, шунингдек, Соҳибқироннинг собиқ саройи жойлашган бўлиб, бу ерда машхур кўк тош сақланади. Ҳозирда русларнинг ҳарбий госпитали сифатида фойдаланиладиган мазкур аҳамиятсиз бино хом фиштдан қурилиб, тупроқ билан сувалган. Кўк тош айвонда, остона қаршисига қўйилган бўлиб, чўзинчоқ оқ-кўкимтири палахса мармар, тепаси силлиқланган, атрофлариға арабескалар²⁰ ўйилган, бурчлари эса кичик пилястралардан²¹ ташкил топган. Узунлиги ўн футу тўрт дюйм²², кенглиги тўрт футу тўққиз дюйм ва баландлиги икки фут, гишт ва сувалмаган асосдан ташқари тўққиз дюйм баландда турибди. Айтишларича, бу тош кўк ёки яшил тош бўлиб, кўк сўзи одатда ушбу ранглардан бирини англатади. Леман²³ (агар бу муҳаррирнинг тузатиши бўлмаса) ўз саёҳатномаларида бу тош ҳақида эшитганлари асосида уни *lapis lazuli*²⁴ деб қайд этган. Бизга таъкидлашлари-

²⁰ Арабеска — меъморлик ва рассомлик санъатида қўлланилиб, геометрик шакллардан, барг, гул ва шу кабиларнинг тасвиридан таркиб топган мураккаб нақш.

²¹ Пилястра — бир томони девордан чиқиб турган устун ёки колонна.

²² Дюйм (голландча — катта бармок) — инглиз ўлчов тизимида бир дюйм 2,5 см га тенг.

²³ Леман А.А. (1814 – 1842) — табиатшунос. 1838 йилда В.А. Перовский таклифи билан ўлкани тадқиқ этиш учун Оренбургга кўчиб келган. 1839 йилги Хива ҳарбий юришида иштирок этган. 1840 йилда Каспий денгизининг шарқий соҳилига келиб кўплаб маълумотлар тўплаган. 1841–1842 йилларда муҳандис К. Бутеневнинг Бухорога уюштирган миссиясида иштирок этиб, Бухоро атрофларидан Зарафшоннинг юқори оқимларига қадар тадқиқот ишларини олиб борган. А.А. Леман ва унинг экспедициялари ҳақида батағсил қаранг. Венгеров С. А. Источники словаря русских писателей. — Пг.: 1914. Т. III. 428-бет; С о л о в ь е в М. Ученая экспедиция в Бухару в 1841–1842 гг. при участии натуралиста Александра Лемана. М.–Л.: АН СССР, 1936; М а с л о в а О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии. В 4-х частях. Ч. I. 1715–1856. Ташкент: изд-во САГУ, 1955. 53–59-бетлар. Ю г а й Р. Л. История развития географических и картографических представлений о пустыне Кызылкум (с древнейших времен до середины XIX в.). Ташкент: Фан, 1966. 156–181-бетлар.

²⁴ Лапис лазули, лапис лазури (*лотинча lapis lasarum*) — кўк рангли минерал, ложувард тош. Қадимда лапис лазули Европа мамлакатлари ва Шарқ халқларида юқори баҳолантган. Жуда чиройли ва қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари ясашга мўлжалланган тош.

ча, кўк тош Амир Темурнинг тахти учун асос бўлиб хизмат қилган ва эҳтимол Кўксаройда бўлгани учун бу номни ўша ердан олган. Ҳукмдорни кўк тошга ўтқазиш анъанага айланиб, тош кўқдан тушганлиги, соҳта хонга ёхуд асл бўлмаган авлоднинг яқинлашишига йўл қўймаслиги нақъл қилинади.

Катта боғ ёқасида мозор бўлиб, бу ерда Хўжа Аҳрорнинг²⁵ жасади дафн этилган. У нафақат ўзининг авлиёлиги, балки улкан бойлиги билан ҳам машҳур бўлган. Ривоятларга кўра, Хўжа Аҳрор 400 йил муқаддам Тошкентда яшаган, унинг асл исми Убайдуллоҳ бўлган. Аммо тақводорлиги учун уни Аҳрор (Яратганга бағишилаган) деб аташган. У ёшлигидан ўзини илоҳиётга бағишилаб, нақшбандия тариқатининг вакилига айланган. Пирнинг²⁶ вафотидан сўнг унинг (нақшбандия тариқатининг — З.С.) раҳнамоси бўлган. Айтишларича, бир неча ёш оға-инилар Маккага зиёратга кетишганда, улардан бири Румга²⁷ келиб қолади ва ўстози ўргатган дуоларни ўқиши ва ибодат қилиш орқали халифанинг оғир касаллигини даволайди. Халифа миннатдорлигидан унга ўзига ёқсан нарсасини танлашни таклиф этади, шунда у халифа хазинасида сақланаётган учинчи халифа саналган Усмон Куръонини сўрайди. Айтишларича, мазкур Куръон Усмоннинг ўзи томонидан ёзилган ва уйида унинг мутолааси билан машғул пайтида ўлдирилганлиги сабабли унинг қони китобга саҷраган, қон излари ҳозиргача қолган. Халифа ўз ваъдасини бажо этиш мажбуриятида қолиб, машҳур Куръон Тошкентга олиб кетилган. Куръон бу ерда авлиёнинг (Хўжа Аҳрорнинг — З.С.) машҳурлигини яна ҳам оширган. Кейинроқ Хўжа Аҳрор Самарқандга кўчиб келгач, Куръонни ҳам ўзи билан олиб кетган. Унинг ўлимидан сўнг Куръон шу масжиддаги тошдан қилинган катта лавҳга қўйилган. У жуда чиройли қўллэзма бўлиб, пергаментга тўлиқ куфий²⁸ ҳарфларида битилган.

²⁵ *Хўжа Аҳрор* — 1404 йилда Тошкентда таваллуд топган. Машҳур авлиёлардан бири бўлган. Тошкент ва Самарқандда кўплаб мадраса ва масжидлар қурилишига ҳомийлик қилган. Баҳоуддин Нақшбанднинг издоши бўлган. 1490 йилда вафот этган ва Самарқандда дафн этилган.

²⁶ Баҳоуддин Нақшбанд назарда тутилмоқда.

²⁷ Бу ерда Усмонли турклар давридаги Истанбул назарда тутилмоқда. Аслида Рум топоними Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлаб Рим, кейин Рим империясига нисбатан ишлатилган. IV асрда империя парчалангач, Шарқий Рим империяси (Византия) ҳам Рум деб аталган. XI асрда Кичик Осиё салжуқий турклар томонидан истило қилингач, шарқ тарихчи ва географлари фақаттина Кичик Осиёга нисбат бериб, уни Рум деб аташган. Шундан Коня сultonлиги яна бир ном — Рум сultonлиги деб ҳам юритилган.

²⁸ *Куфий* — хаттотлик услуби; қадимги араб ёзувларидан. Ҳарфлар тўғри ва доира чизиқлар асосида ёзилади. Куфийнинг энг қадимги намунаси айнан Усмон Куръони саналади.

Гарчанд Самарқанд бозори Тошкент ва Хўжанддаги бозорларга таққослаганда унча йирик бўлмаса-да, Самарқанднинг ҳозирги 30 000 аҳолиси учун етарлича катта саналади. Эски бозорнинг асосий қисмлари тимлар²⁹ — йирик саккиз бурчакли ёпиқ бинода майда-чуйдалар, икки-учта ёғоч уйда эса ипак ва пахтадан тайёрланган моллар сотилади. Ҳиндлар ва яхудийлардан ташқари, бу ерда кўплаб афлонларни, дарвишлар ёки бу ерда қаландарлар³⁰ деб аталувчиларни ҳам учратиш мумкин. Гарчи уларнинг шаҳарга тез-тез келишлари ва хайр-садақа сўраб юришларига рухсат берилган бўлса-да, ибодат қилишлари ва намоз ўқишилари тақиқланган. Бир куни саҳарда мен ва Мулла дарвозалардан шундоққина ташқарида жойлашган Қаландархонага бордик. У Самарқандда қолган бир неча дарвиш жамоаларидан бирига тегишли бўлиб, катта боғ, бир ёки икки масжид ва қатор кичик ҳужралардан иборат эди.

Самарқанд аҳолиси орасида яхудийлар ҳам кўп учрайди. Рус маъмурияти паноҳи остида бу ерда улар бошқа аҳоли билан баравар ҳуқуқларга эга. Эски даврларда улар алоҳида ажратилган даҳаларда яшашга мажбур этилган бўлиб, бу каби даҳалар ҳозиргача сақланиб қолган. Шунингдек, яхудийларга шаҳарда отда келишлари ва белбоғ сифатида арқондан бўлак нарсани тақишилари ҳам тақиқланган. Яхудий аёллари уйларида юзларини очиб юришиб, кўчада нохуш ва ҳақоратли танбеҳлардан қочиб, мусулмон аёллари сингари юзларини ёпиб юришади.

Мен Самарқандда Афғонистоннинг собиқ ҳукмдори Абдураҳмон Хон³¹ ва жияни, ҳозирги амир Шерали билан танишдим.

²⁹ Тим — усти ёпиқ бозор, савдо раастасининг баланд томи, гумбази. Тимлар қадимда, асосан, йирик шаҳар марказларида, кўчалар кесишиган чоррача, чорсу, гузар майдонида, карвонсаройлар яқинида жойлашган. Усти улкан гумбаз билан қопланиб, бир неча хунармандлик дўконлари ва савдо расталарини ўз ичига олган.

³⁰ Дарвииш, қаландар — тарки дунё қилиб, тасаввуф йўлига кирган, бола-чақа, уйжойдан кечиб, дарбадарлик ва хайр-эҳсон билан кун кечирувчи киши. Қаландар музайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг таълимотини тарғиб этган, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пир)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт ҳисобланган. Ўрта Осиёда уларнинг фаолияти билан боғлиқ қаландархона ва хонақоҳлар мавжуд бўлган.

³¹ Абдураҳмон (1844–1901) — Афғонистон амири (1880–1901). 1869 йилда тахт учун ўзаро низоларда мағлубиятга учрагач, Туркистонга қочган. 1878–1880 йиллардаги инглиз-афғон уруши даврида ватанига қайтиб, Шимолий Афғонистонда ўз ҳокимиётини ўрнатган. 1880 йилнинг 31 июляда Заммада Афғонистон амири деб эълон қилинган.

Россия истилоси Ўрта Осиёга Сибирь ва Оренбургдан қочиб келган ва ўз юртларида турли ишларга аралашиб қолган кўплаб, айниқса, рус авантюристларига рўшнолик келтирди. Бухоро ва Қўқонда ана шундай эркаклар ҳалиям мавжуд, баъзилари рус расмий маъмурияти билан сулҳ тузиб, улар ишфол этган туманларда яшаб қолишган.

Самарқандда мен Ўрта Осиёдаги ҳақиқий рус аскари билан илк бор танишдим. Тўғри, уларни Тошкент ва бошқа ерларда кўрган бўлсан ҳам, аксарият ҳолда кўчада маст-аласт юарар, аммо бу ерда уларни казармаларда, лагерда машқ бажараётган ва ишлаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Йилда бир ёки икки марта хизмат муддати тугаганлари хотин ва бола-чақалари билан бирга уйига ҳукумат харажати ҳисобига жўнатилиб, уларни ташиш учун туялар билан таъминланган. Менинг ўзим Тошкентдан жўнаш кечам ана шундай карвонлардан бири қайтаётганлигининг гувоҳи бўлдим.

Самарқандда руслар жамоаси жуда кичик бўлиб, улар ҳозирча бир неча янги уйларга жойлашишган, холос. Аркнинг бир томонида барпо этилаётган даҳада кўчалар ҳамда хонадонлар аста-секин ўсиб бормоқда.

Самарқанд ва Тошкентдаги маъмуриятлар орасидаги фарқдан ажабланмаса ҳам бўлади. Расмийларнинг деярли барчаси кўнглида мамлакатнинг фаровонлигини ўйлагандек кўринар ва ўз ишларига жиддий ёндашган. Уларнинг бу ерда қолган қисмини «Черняев одамлари» деб аташиб, уларнинг аксарияти генерал билан унинг Ўрта Осиёга уюштирилган ҳарбий кампаниясида иштирок этган.

Ю. СКАЙЛЕР

САМАРҚАНД

Таржима ва изоҳлар З. Сайдбобоевнику

Ю. Скайлернинг Самарқандга саёҳати билан боғлиқ маълумотларнинг қисқартирилган таржимаси келтирилган. Муаллиф Самарқанд йўлидаги Чиноз, Мирзачўл, Мирза Работ, Жиззах, Чўпонота каби манзиллар ҳақидаги тавсифни, шаҳарнинг тарихи, турли элчи ва сайёҳларнинг Самарқандга оид маълумотларини келтирган. Шунингдек, шаҳардаги меъморий обидалар, Россия империясининг шаҳарни истило этиши ва мустамлака маъмурологияга доир кўрган-кечиргандари баён этилган.

Калит сўзлар: Самарқанд, Хитой сайёҳлари, Клавихо, Бобур, мадраса, мақбара, Хўжа Ахрор, Россия.

Ю. СКАЙЛЕР

САМАРҚАНД

Перевод и комментарии З. Сайдбобоева

Вниманию читателей представлен сокращенный перевод сведений о путешествии Ю. Скайлера в Самарканд. Автором использованы данные, описывающие населенные пункты, расположенные на пути в Самарканд, такие как Чиназ, Мирза Работ, Джизак, Чупаната, историю города, различных послов и путешественников о Самарканде. Также изложены факты об имевшихся в городе архитектурных сооружениях, о завоевании города войсками Российской империи и характере колониального управления.

E. SCHUYLER

SAMARKAND

Translation and comments by Z. Saidboboev

Given the article provides with a short translation of the data about E. Schuyler's travel to Samarkand. The author involves the data connected with the description of settlements located on the way to Samarkand, such as Chinaz, Mirza Rabat, Jizakh, Chupan-Ata, and history of cities and descriptions of Samarkand by various ambassadors and travelers. The facts about available architectural constructions in the city, the conquest of the city by the troops of the Russian empire and character of colonial administration are also illustrated.

Ж. АВАЗОВА

ХІІІ АСРНИНГ БОШЛАРИДА ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ ВА БАҒДОД ХАЛИФАЛИГИ АЛОҚАЛАРИДА ШАЙХ СУҲРАВАРДИЙ ЭЛЧИЛИГИ

ХІІІ аср бошларига келганда Хоразм Марказий Осиё минтақасида йирик империя даражасига кўтарила олган давлат эди. Шу жиҳатдан, Хоразмшоҳлар давлатининг ташқи алоқалари, айниқса, унинг Бағдод халифалиги билан олиб борган ўзаро алоқаларини тадқиқ этиш нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатчилиги тарихининг муҳим жиҳатларини ўрганишга ёрдам беради. Зеро, ўз ўрнида Бағдод халифалиги ҳам ўрта аср мусулмон оламида катта мавқега эга бўлиб, минтақалараро сиёсий майдонда фаол иштирок этган. Қайд этиш лозимки, давлатлараро ташқи сиёсий-иқтисодий муносабатларни ўрнатишда ва дипломатик алоқаларни олиб боришда элчиларнинг ўрни катта бўлган.

Хоразмшоҳлар давлатининг Бағдод халифалиги билан ўзаро дипломатик алоқаларини йўлга қўйишида ўзига хос ўрин тутган элчи сифатида Абу Ҳафс Умар Шаҳобиддин Суҳравардийни кўрсатиш мумкин. Гарчи, Шайх Суҳравардий элчилиги икки томон муносабатларини барқарорлаштиришда катта натижага эришмаган бўлса-да, у ўша давр жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида юқори мавқега эга шахс сифатида эътиборга лойиқ. Шу жиҳатдан ҳам, унинг элчилик фаолиятига, қолаверса, давлат арбоби ва Суҳравардия таълимотининг асосчиси сифатидаги ўрни масаласига тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Абу Ҳафс Умар Шаҳобиддин Суҳравардий¹ (1145–1234) ўз даврининг етук мутафаккири ҳамда давлат арбоби бўлиб, Аббосийлар халифалигининг (750–1258) сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. У халифа Ан-Носир (1180–1225) даврида давлат маслаҳатчиси бўлган².

¹ Шайх Суҳравардийнинг тўлиқ исми Умар ибн Муҳаммад ибн Абдулло ибн Уммавия ибн Саид ибн ал Ҳусайн ибн ал Қосим ибн Наср ибн ал Қосим ибн Муҳаммад ибн Абдулло ибн Абдураҳмон ибн ал Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ (тўрт халифадан биринчиси)дир. Қаранг: Ахроров Ф. М. Религиозно-мистические воззрения Шихаббуддина Абу Ҳафса Умара Суҳраварди на основе его трактата «Авариф ал-маариф». Автореф. дисс ... канд. филос. наук. Душанбе, 2012. 13-бет. <http://www.docme.ru>

² Шихабеддин Суҳраварди — великий учитель и философ древнего Востока.
<http://russian.irib.ir>

Шайх Суҳравардий маҳоратли элчи сифатида Бағдод халифалигининг Сурия, Миср, Халаб, Хоразм ва Салжуқийлар давлати билан ўзаро дипломатик алоқаларини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнаган³.

Шунингдек, у мусулмон оламида Суҳравардия таълимотининг асосчиси сифатида ўз ўрнига эга. Шу жиҳатдан, бугунга қадар Суҳравардий шахси асосан сўфийлик тариқати нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Мавжуд ишларда келтириб ўтилган маълумотларга таянган ҳолда унинг таржимаи ҳоли ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин⁴.

Эроннинг Суҳравард шаҳарчасида дунёга келган Абу Ҳафс Умар Шаҳобиддин ўсмирлик чоғида таълим олиш учун Бағдодга келган⁵. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, шайх Суҳравардий сўфийлар оиласида тарбияланган бўлиб, бобоси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва амакиси Зиёуддин Абу Нажиблар ҳам сўфийлик тариқатининг намояндалари бўлишган⁶. У дастлабки сўфийлик илмини амакиси Зиёуддин Абу Нажиб Суҳравардийдан (ваф. 1167/1168) ўргангандан⁷. Шу билан бирга у ўз даврида машҳур бўлган «Низомия» мадрасасида таълим олган. Шайх Суҳравардий 35 ёшида «Шайхлар шайхи» даражасига кўтарилигандан ва «Суҳравардий» таълимотига асос солган.

Шайх Суҳравардийнинг элчи сифатидаги фаолияти эса, бугунга қадар маҳсус тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Шунга қарамай, айрим олимлар ўз ишларида унинг Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш (1172–1200), Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200–1220), Миср султони Аюбий Адил Сайфуддин I Абу Бакр (1196–1218) ва Кўния ҳукмдори Салжуқ султон Алоуддин Кайкубод I (1219–1237)лар хузуридаги элчилигига қисман тўхталиб ўтганлар⁸.

³ Шихабеддин Суҳраварди — великий учитель и философ древнего Востока.

<http://russian.irib.ir>

⁴ Qamar ul Huda. The remembrance of the prophet in Suhrawardi's 'Awarif – Ma'arif // Journal of Islamic Studies. 12:2 (2001), pp. 129–150; Aminrazavi M. The status of Suhrawardi studies in the West // Journal of Religious Thought: A Quarterly of Sheraz University / Vol. 1. (New), № 1, (Ser 10), Spring 2004. P. 3–17; Ахроров Ф. М. Религиозно-мистические воззрения Шихаббуддина Абу Ҳафса Умара Суҳраварди на основе его трактата «Авариф ал маариф». Дисс. ... канд. филос. наук. Душанбе. 2012, 145-бет. <http://www.disscat.com>

⁵ Нирша В. М. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Ҳафса Омара Шихаббуддина Суҳраварди. Дисс... канд. филос. наук. — Ташкент. 1990. 28-бет.

⁶ Нирша В. А. Аспекты исламской теологии. Шихаб Ад-дин Ас-Суҳраварди. О природе суфизма. <http://www.idmedina.ru>;

⁷ Средневековый Курдский философ и Суфий Омар Суҳраварди. <http://www.kurdist.ru>

⁸ Нирша В. А. Аспекты исламской теологии ... <http://www.idmedina.ru>; Шихабеддин Суҳраварди — великий учитель и философ древнего Востока. <http://russian.irib.ir>

Шайх Суҳравардийнинг Хоразмга ташрифи билан боғлиқ дастлабки маълумотлар В. В. Бартольд⁹ ва З. М. Буниятов¹⁰ қаби олимларнинг тадқиқотларида келтириб ўтилган. Жумладан, тадқиқотчилар ўз ишларида Шайх Суҳравардийнинг 1215, 1217 йиллардаги Мұҳаммад Хоразмшоҳ хузурига ташрифига доир маълумотларни бериб ўтганлар. Қайд этиш жоизки, бу элчилик Суҳравардийнинг Хоразмга илк ташрифи эмас эди. Шу жиҳатдан, В. М. Нирша томонидан унинг Хоразмшоҳлар саройига қилган биринчи элчилиги борасида, жумладан, Шайхнинг Хоразмшоҳ Такаш хузурига ташрифи билан боғлиқ айрим қизиқарли материалларнинг келтирилиши эътиборга лойиқдир¹¹.

Мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Шайх Суҳравардий Хоразмшоҳлар саройига Бағдод халифасининг элчиси сифатида уч марта ташриф буюрган. Тарихчи Фасиҳ Ҳавофий ўзининг «Мужмал-и фасиҳи» асарида уни дастлаб 1182 йили Хоразмшоҳ Такаш хузурига элчи бўлиб келганилигини қайд этган¹². Бироқ, элчиликнинг мақсади тўғрисида аниқ маълумот келтирилмаган. Фикримизча, Шайхнинг дастлабки элчилиги халифа Ан-Носирнинг Хоразмшоҳ Такаш билан ўзаро муносабатларини ўрнатишдан иборат бўлган. Иккинчи ва учинчи ташрифлари эса, Мұҳаммад Хоразмшоҳ даврига тўғри келади¹³. Шайх Суҳравардий ушбу ташрифи давомида Хоразм ва Бағдод ўртасидаги алоқаларни яхшилашга ҳаракат қилган.

1200 йилда Хоразмшоҳ Такаш вафот этгач, Хоразмшоҳлар давлати таҳтига ўтирган Алоуддин Мұҳаммад ҳукмронлигининг дастлабки йилларида отасининг сиёсатини давом эттириб, Бағдод халифалиги билан ўзаро алоқаларни яхшилашга эътибор қаратган. Бу барқарорлик ўн йил давом этган ва бу вақт мобайнида Хоразм билан Бағдод

⁹ Бартольд В. В. Туркистан в эпоху Монгольского нашествия / Соч. – М.: Изд-во восточной литературы, 1963. Т. 1. 760-бет.

¹⁰ Буниятов З. М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов (1097–1231). – М.: Наука, 1986. 251-бет.

¹¹ Нирша В. М. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Омара Шихаббуддина Суҳраварди. Дисс... канд. филос. наук. Ташкент. 1990. 220-бет.

¹² Нирша В. М. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Омара Шихаббуддина Суҳраварди.... 25-бет.

¹³ Шаҳобиддин Мұҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва тафсилоти. Тошкент: O'zbekiston, 32-бет; Буниятов З. М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов. (1097–1231) ... 84–85-бетлар; Нирша В. М. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Омара Шихаббуддина Суҳраварди.... 37-бет; Одилхон ўғли Юнусхон. Шайх Зайнiddин // Жаннат макон. Тошкент. 2012. Октябрь. 52-бет.

ўртасида бир неча бор элчилар алмашинган¹⁴. Хоразмшоҳ дастлабки ўн йил мобайнида мамлакатдаги ички низоларни бартараф этиш ва чегараларни кенгайтириш билан банд бўлган бўлса, Халифа Бағдодда ўз сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлашга ва қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларни яхшилашга ҳаракат қилган.

XIII асрнинг 10-йилларига келиб Хоразмшоҳлар давлати қурдатли мамлакатга айланган. Энди минтақада Хоразмшоҳга тенг келадиган рақиб ҳукмдор қолмаган эди. Шундан сўнг, Муҳаммад Хоразмшоҳ бутун эътиборини Бағдод халифалигига қаратади. Бу ҳолат эса, икки мамлакат ўртасидаги зиддиятли вазиятни юзага келтиради. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, юзага келган муаммо Хоразмшоҳнинг халифага қўйган талаби билан боғлиқ эди.

Хусусан, Хоразм ҳукмдори Қорахитойлар (1125–1210) ва Қорахонийлар (991–1212) устидан эришган галабасидан сўнг халифа Ан-Носирдан Бағдодда унинг номини хутбада ўқитишни ҳамда бутун мусулмон дунёсида «Султон»¹⁵ деб тан олинишини талаб қилган¹⁶. Чунки, бу даврга келиб, Марказий Осиё минтақасида сиёсий ва ҳарбий салоҳияти жиҳатидан энг кучли ҳукмдорга айланган Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзини ана шундай юқори унвонга муносиб деб, ҳисоблай бошлаган. У Хоразм давлати чегараларини шарқда Мўгуллар давлатидан гарбда Бағдод халифалигига қадар кенгайтириб, барча ҳаракатларини Хоразмшоҳлар давлатини юксалтириш ва мамлакат чегараларини мустаҳкамлашга қаратган эди. Шундан келиб чиқиб, Хоразмшоҳ Халифа олдига қўйган талаби орқали бир пайтлар, X–XII асрларда Бувайҳийлар (932–1055) ва Салжуқийлар (1040–1157) даврида бўлга-

¹⁴ Бунятов З. М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов (1097–1231) ... 83-бет.

¹⁵ «Султон» арабча сўз бўлиб, ҳукмдор, ҳоким деган маънони англатади. X асрдан бошлаб ислом мамлакатларида ҳукмдор «Султон» деб атала бошлаган. XI асрда салжуқийлардан бошлаб «Султон» унвони мустақил сулола ҳукмдорларига берилган. Қаранг: Чориев З. Тарих атамаларининг Қисқача изоҳли лугати. Қадимги ва Ўрта асрлар. Тошкент: Шарқ, 1999. 100-бет.

¹⁶ Шаҳобиддин Муҳаммад Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳёти ва тафсилоти ... 30 бет; Ибн ал Асир. Ал-Камил фит-тариҳ (Полный свод истории) / Перевод с арабского, с примечаниями и комментариями, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент: Узбекистан, 2006. 341-бет; История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент: Фан, 1976. 74-бет; Бунятов З. М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов (1097–1231) ... 84-бет; Ўзбек дипломатияси тарихидан / Академик М. М. Ҳайруллаев таҳрири остида. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. Тошкент, 2003. 57-бет.

нидек, халифалик пойтахти Бағдодда ўз бошқарувини ўрнатиш мақсадини билдирган.

Ўз навбатида халифа Ан-Носир ҳам Хоразмшоҳлар давлатини заифлаштириш учун барча чораларни қўллашга ҳаракат қиласар экан, кўшни худуд ҳукмдорларини, жумладан, Фурийлар (1186–1206) ва Қорахитойлар давлатларини унга қарши қўйишда усталик билан фойдаланади.

Эслатиб ўтиш жоизки, бутун мусулмон оламида ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимият эгаси сифатида юқори мавқега эга бўлган Бағдод халифалиги VIII аср охири – IX аср бошларига келиб ўзининг илгариги қурдатини йўқотиб, инқизорзли даврни бошдан кечираётган эди. Тарихчи Ибн Жуйбарнинг таъкидлашича, «Халифалар ўз саройида асирдек яшаганлар ва улар баъзи имкониятлардангина фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар»¹⁷. Бу ҳолат Бағдод халифалиги фақатгина ислом оламининг марказий ҳудуди сифатидаги мавқеини сақлаб қолганлигини кўрсатади. Илгари халифаликка қарашли бўлган давлатлар халифани яккараб қўйиш ва уни ўзларига бўйсундиришга ҳаракат қилганлар. Ҳусусан, Озарбайжонда ҳукмронлик қилган Отабеклар давлати (1136–1225) ҳам Бағдодда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилган. Салжуқийларнинг сарой тарихчиси Сулаймон Ровандийнинг «Роҳат ус-Судур ва Оят ас-Суур» асарида Отабек Жаҳон Паҳлавон (1174–1186)нинг бу борада айтган қўйидаги сўзлари келтириб ўтилган:

«Агар халифа-имомнинг доимий иши намоз ўқиши бўлса, намоздиннинг асоси, энг яхши ишлардан бири. Бу борада уларнинг иши халқقا намуна бўлиб хизмат қиласди, улар учун шунинг ўзи кифоя этади. Бу ҳақиқий шоҳликдир. Халифаларнинг бу дунё ишларига аралашиб шоҳлик қилишидан мазмун англашilmайди. Бу ишни улар сultonларга топшириши керак»¹⁸.

Шу боис бундай мураккаб вазиятда халифа ўз имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида минтақада кучли бўлган ва Бағдодга хавф солиб турган давлатлар ўртасида турли низолар келтириб чиқариб, уларни кучсизлантиришга ҳаракат қилган. Хоразмшоҳлар ҳам ана шундай рақиблардан бирита айланган эди.

¹⁷ Нирша В.М. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Омара Шихабуддина Сухраварди ... 22-бет.

¹⁸ Буниятов З.М. Государство Атабеков Азербайджана (1136–1225). Баку: Элм, 1978. 42-бет.

Бу ҳақда Ан-Насавий шундай ёзади:

«Султон [Мұхаммад Хоразмшоҳ]нинг обрў-эътибори, нуфузи юксалиб, улуғвор ишларга қўл ура бошлади. Унинг кўз ўнгида олам гўзалликлари билан намоён бўлди, мамлакат офтоби энг баланд кўк чўққисида порлади. Унинг қўшини девонида рўйхатта олинган отлиқ лашкарларининг ўзи тўрт юз мингта етай деб қолди. Шундан сўнг султон ўзига бир пайтлар Салжуқийлар салтанати эгаларига берилгани сингари Бағдодга ҳукмронлик ва ҳукмдорлик ҳуқуқини талаб қила бошлади»¹⁹.

Хоразмшоҳ ўз талабини қондириш мақсадида Бағдодга бир неча бор элчи юборган. Шундай элчилик вазифаларидан бири Хоразм қозиси Мужриддин Умар ибн Саъд ал Хоразмий бошчилигида амалга оширилган²⁰. Лекин халифалик девони Хоразмшоҳ талабини рад этган. Шундан сўнг Хоразм ва Бағдод ўртасидаги алоқалар ёмонлашган эди. Халифа Ан-Носир икки мамлакат ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида Хоразмга ўз элчисини жўнатган. Бу элчиликка халифанинг энг нуфузли аъёнларидан бири Шайх Суҳравардий тайинланган²¹. Шайх жамиятдаги ўрни ва нотиқлиги билан халифалик ва атроф ҳудудларда машхур эди. Қолаверса, Шайхнинг сўфийлик тариқатига асосланган «суҳравардия» таълимоти Марказий Осиёда ҳам кенг тарқалаётган эди. Буни Шайх Суҳравардийнинг ўғли Шайх Абу Бакр Зайниддин (1164–1259) фаолияти мисолида кўриш мумкин. Шайх Зайниддин отасининг Хоразмга илк ташрифи чоғида Мовароуннаҳрга келиб, Тошкентда қолган ва минтақада «суҳравардия» таълимотини кенг ёйишга катта ҳисса қўшган. Шу жиҳатдан, халифа томонидан айнан Шайх Суҳравардийнинг Хоразмга элчи қилиб юборилиши унинг нафақат дипломатик маҳорати ва тажрибаси, балки бу ердаги мавқеи билан ҳам боғлиқ эди. Элчи зиммасига эса, анчагина мураккаб вазифа, яъни Хоразмшоҳни ўз талабидан қайтариш вазифаси юклатилган эди.

Шайх Суҳравардийнинг Хоразмшоҳ ҳузурида қабул қилиниши борасида бир-бирига ўхшамаган қарашлар мавжуд бўлиб, тадқиқотчилар ўз ишларida бу масалага турлича ёндашганлар. Жумладан,

¹⁹ Шаҳобиддин Мұхаммад Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди Ҳаёти ва тафсилоти. ... 30-бет.

²⁰ Буниятов З. М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов (1097–1231)... 84-бет.

²¹ Ўша жойда. 84-бет.

В.В. Бартольд элчининг ташрифи ҳақида умумий фикр берар экан, тарихчи Ан-Насавий ва Жувайнийнинг маълумотларига таянган ҳолда, Хоразм хукмдори Шайхга нисбатан совуқ муносабатда бўлганлигини таъкидлайди. Муаллиф қўшимча сифатида, ҳатто унга ўтиришга ҳам изн берилмаганлигини қайд этиб ўтади²². Масала шундаки, Шайх Суҳравардий Хоразмшоҳ саройида қабул чоғида узоқ вақт туриб қолган ва ҳадис айта бошлаганидан сўнггина унга ўтиришга рухсат берилган эди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, олим Шайхга нисбатан етарли хурмат кўрсатилмаган эди, деб ҳисоблайди. Масалага чуқурроқ ёндашилса, бу маълумот Шайх Суҳравардийнинг 1217 йилдаги иккинчи ташрифига доир эканлиги аниқланади. Бу вақтда Хоразмшоҳ Бағдодга қарши ҳарбий юриш бошлаган бўлиб, табиийки у элчиға яхши муносабатда бўлмаган.

З.М. Буниятов Хоразмшоҳнинг элчига нисбатан муносабати масаласига тўхталар экан, Шайхнинг биринчи ва икkinchi ташрифини алоҳида ажратиб кўрсатади. Олим ўз тадқиқотида Шайх Суҳравардийнинг 1215 йилдаги ташрифи чоғида Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ҳурмат билан кутиб олинганлигига эътибор қаратади²³. Бу даврда сиёсий устунлик Хоразмшоҳ томонида бўлганлиги сабабли олим Шайх Суҳравардийнинг сарой олдида бир муддат кутиб қолганига табиий ҳолат, деб қараган бўлиши мумкин. Бу масалада олимнинг фикрига қўшилиш мумкин. Лекин, З.М. Буниятов Шайхнинг иккинчи, яъни 1217 йилдаги ташрифи чоғида унга нисбатан ҳурмат кўрсатилмаганлигини таъкидлаб ўтган²⁴.

В. М. Нирша эса, ўз ишида З.М. Буниятовнинг маълумотларига таянган ҳолда, Шайх Суҳравардийнинг Хоразмшоҳ саройида ҳурмат билан кутиб олинганлиги тўғрисида айтиб ўтган²⁵.

Ушбу масалага аниқлик киритиш учун ўша давр бирламчи манбасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, Хоразмшоҳлар саройи тарихчиси Ан-Насавийнинг таъкидлашича, «Шайх ўз мавқеи ва мартабасининг улуғлиги туфайли девонда султон ҳузурига келган бошқа элчиларга нисбатан яхши эҳтиром ва фахр билан кутиб олиниши керак эди. Шунга қарамасдан, Шайх сарой олдида кутиб

²² Бартольд В. В. Туркистан в эпоху Монгольского нашествия ... 438-бет.

²³ Буниятов З. М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов.(1097-1231)... 85-бет;

²⁴ Ўша жойда. 85-бет.

²⁵ Нирша В. М. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Омара Шиҳабуддина Суҳраварди ... 37-бет.

қолган ва унга анчадан кейин киришга рухсат берилган»²⁶. Юқоридағи фикрлардан хулоса қилинадиган бўлса, Хоразмшоҳ саройида Шайх Суҳравардийга ўз мавқеига мос даражада ҳурмат кўрсатилмаган. Бу эса, Хоразмшоҳни халифа билан ўзаро муроса қилишни хоҳламаганлигидан далолат беради. Чунки Хоразмшоҳ ўзини ҳар жиҳатдан Бағдод халифасидан устун деб ҳисоблаган. Шу сабабли ҳам, у халифа элчисига нисбатан эътиборли бўлмаган.

Ўз ўрнида Шайх Суҳравардийнинг тажрибали дипломат ва маҳоратли сўз устаси сифатида юзага келган нокулай вазиятдан чиқиб кета олганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, Мұҳаммад Хоразмшоҳ тик турган ҳолда ҳадиси шарифлардан мисол келтира бошлаган элчи ни ўтиришга таклиф этган. Зеро, ривоят қилиш тартибиға кўра, ҳадисни турган ҳолда айтиш айб саналган. Шу боис ҳадис ривоят қилувчи ҳам, уни эши тувчи ҳам ўтирган ҳолатда бўлиши лозим эди. Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам ҳадис эшиши учун тиз чўкиб ўтиришга мажбур бўлган²⁷. Бу ҳолат барчанинг ҳадисга, яъни пайғамбар (с.а.в.)га бўлган ҳурмати билан белгиланар эди.

Шайх Суҳравардий ўзига юклатилган вазифани бажариш учун бутун маҳоратини ишга солар экан, Хоразмшоҳ ҳузурида «халифа ал-Аббос авлодларига зиён етказмаслик тўғрисида»ги ҳадислардан бирини ривоят қиласди. Шу орқали у Хоразмшоҳни халифага қарши ҳаракат қилмасликка чақирган эди. Хоразмшоҳ эса, ҳадисни тинглаб бўлгач:

«Гарчи мен туркий бўлиб араб тилини яхши билмасам ҳам, сен айтган ҳадиснинг маъносини англадим. Мен Ал-Аббос салафларидан бирортасига зиён-заҳмат етказганим йўқ, уларга ёмонлик қилмоқчи ҳам эмасман. Бироқ, эшишишмча, Ислом амирлиги зиндонларида кўплаб мусулмонлар бормиш, улардан баъзилари ўша ерда топишиб, кўпайишар ҳам эмиш. Агар шайх бизга айтган ҳадисни ўша Ислом амири ҳузурида ҳам айтса эди, бу тўғрироқ ва фойдалироқ бўларди», деб жавоб қайтарган²⁸.

Хоразмшоҳ бу жавоби билан халифанинг ўз тахтига номуносиб эканлигини таъкидлаб ўтган.

²⁶ Шаҳобиддин Мұҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди Ҳәёти ва тафсилоти. ... 31-бет.

²⁷ Шаҳобиддин Мұҳаммад ан Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди Ҳәёти ва тафсилоти. ... 32-бет.

²⁸ Ўша жойда. 32-бет.

Шунда Шайх халифанинг тутган йўлини оқладай бошлаган. Бироқ, Хоразмшоҳ бу гапларни эшишишни ҳам истамаган эди. Халифа элчиси бу зиддиятли муаммони бартараф этолмасдан Бағдодга қайтиб кетишига мажбур бўлди. Шу тариқа икки мамлакат ўртасидаги вужудга келган кескинлик сақланиб қолган. Шайх Суҳравардийдек маҳоратли элчи ҳам Хоразмшоҳни бу мақсадидан қайтара олмаган эди.

Шу ўринда, тарихчи Жувайнийнинг маълумотларига таянган ҳолда, Хоразм ҳукмдорининг халифага нисбатан қарши чиқиш сабабларини таҳлил қилган В.В. Бартольд, бир қанча омилларни кўрсатиб ўтади. Биринчидан, Хоразмшоҳнинг Форс Ироқидаги ноиби Сайфуддин Ўғилмишнинг (ваф.1217/1218)²⁹ Бағдод халифаси томонидан ўлдирилиши бўлса, иккинчидан, Хоразмшоҳга қарашли бўлган мамлакатлардан Маккага ҳажга бораётган зиёратчиларга азият етказилаётгани эди. Учинчидан эса, халифа Макка ҳукмдори ҳазрат Али авлодидан бўлган ноибнинг мустақил ҳаракат қилаётганинига фазаблануб, уни яширинча ўлдиришга одам юборган эди³⁰. Юзага келган вазиятдан унумли фойдаланган Муҳаммад Хоразмшоҳ, ўз тасарруфидаги худудларда хутба ва тангалардан халифа Ан-Носирнинг номини олиб ташлашга фармон берган. Халифани ҳокимиятдан четлашибга ҳаракат қилган Хоразмшоҳ, таҳтга Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) нинг жияни Али ибн Абу Толиб (р.а.) авлодларини ўтиришга ҳақли, деб тарғиб қилган. Хусусан, 1212 йилда Муҳаммад Хоразмшоҳ уламолар ва имомлар йифинини ўтказиб, улардан Аббосийлар халифасини таҳтдан тушириш ва ҳазрат Али ибн Абу Толиб (р.а.) авлодидан Алоъул-Мулк ат-Термизийни³¹ халифа қилиб кўрсатиш ҳақида фатво чиқартириб олган³². Бу борада Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк»

²⁹ Сайфуддин Ўғилмиш Озарбайжон отабеки Абу Бакр ибн Жаҳон Паҳлавоннинг (1174–1186) фуломларидан бири бўлган. Қаранг: Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва тафсилоти. ... 304-бет.

³⁰ Бартольд В. В. Туркистан в эпоху Монгольского нашествия ... 439-бет; Азимов М. Термиз тарихи (энг қадимги даврлардан XXI аср бошигача). Термиз: Насаф, 2011. 91-бет.

³¹ Алоъул-Мулк ат-Термизий ҳазрат Алининг термизлик авлодларидан бўлган. У 1206 йилда Термизни афғон Фурийларидан жангиз тортиб олишда Хоразмшоҳ Муҳаммадга катта хизмат кўрсатган. Қаранг: Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. Термиз: Жайхун, 1993. 57-бет.

³² Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 1994. 128-бет; Бартольд В. В. Туркистан в эпоху Монгольского нашествия ... 439-бет; История Хорезма с древнейших времен до наших дней ... 74-бет; Буняитов З. М. Государство Харемшахов Ануштагенидов (1097–1231)... 85-бет.

асарида ҳам маълумот бериб ўтилган. Ҳусусан, манбада келтирилишича, Термиз саййидларидан³³ Алоъ ул-Мулк халифа деб эълон қилиниб, хутбада ўқилган ва унинг номидан танга зарб этилган³⁴. Демак, Хоразмшоҳ Алоъ ул-Мулк ат-Термизийни халифа этиб тайинлаш орқали Бағдод халифалигининг мусулмон дунёсидаги таъсирини туғатиб, Салжуқ ҳукмдорлари давридагидек, халифалик пойтахтида Хоразмшоҳларнинг дунёвий ҳокимиятини ўрнатишга эришмоқчи бўлган.

Муҳаммад Хоразмшоҳнинг халифага нисбатан муносабатини ёмонлаштирган яна бир сабаб, бу халифа Ан-Носирнинг гурийларни Хоразмшоҳлар давлатига юриш қилишга ундан ёзган мактуби бўлган³⁵. Худди шунга ўхшаш мактуб Қорахитойлар ҳукмдорига ҳам юборилган эди³⁶. Бу воқеалардан сўнг Хоразм ҳукмдори халифалик пойтахти Бағдодга юриш қилишга тайёргарлик қўра бошлаган. Бундан хабар топган халифа вазиятни музокара йўли билан барқарорлаштириш мақсадида Хоразмшоҳ ҳузурига яна Шайх Суҳравардийни элчи қилиб юборган. Хоразмшоҳ шайхга етарли даражада ҳурмат кўрсатмаган. Шунга қарамай, Шайх Суҳравардий вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб, халифани адолатли ҳукмдор сифатида кўрсатиб, Хоразмшоҳни тинчлик йўлида музокара олиб боришга чақирган.

Кўриниб турибдики, Шайхнинг иккинчи бор Хоразмшоҳ ҳузуридаги ташрифи ҳам муваффақият билан якун топмаган. Лекин, Муҳаммад Хоразмшоҳ Шайхни маълум муддат ўз ёнида олиб қолган. Фикримизча, Хоразмшоҳнинг бундай йўл тутишига сабаб, Бағдодга юриши жараёнида ўз куч-қудратини намойиш қилиш бўлган. Бағдодга уюштирган юриши мағлубиятга учрагач, Муҳаммад Хоразмшоҳ Шайх Суҳравардийни ўз юртига кузатар экан, қилмишидан қаттиқ афсусланганлигини билдириб, халифага мактуб йўллади³⁷.

³³ Саййид (арабча сўз) арабларда мусулмон даври бошлангунга қадар қабила бошлиқларининг унвони бўлиб, масъул шахс деган маънони билдирган. Муҳаммад (с.а.в.) нинг амакивачаси ҳазрат Алиниң отаси Абу Толиб бир вақтлар Қурайш қабиласининг саййидларидан бўлган. Шунинг учун бу унвон пайғамбарнинг неваралари, Алиниң ўғиллари Ҳасан ва Ҳусанинг бутун авлодлари исмига кўйиладиган фахрий унвон ҳисобланган. Қаранг: Чорие в. З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳи луғати. Қадимиги ва ўрта асрлар... 94-бет.

³⁴ Абулғозий Баҳодиржон. Шажараи турк. Тошкент: Чўлпон, 1992. 63-бет.

³⁵ Буниятов З. М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов.(1097–1231)... 85-бет. История Востока: Восток в средние века. Москва: Восточная литература, 2002. 282-бет.

³⁶ Ўша жойда. 282-бет.

³⁷ Ўша жойда. 86-бет.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хоразмшоҳлар давлатининг Бағдод халифалиги билан алоқалари ўз даврида жиддий масала ҳисобланган. Чунки XIII асрда қудратли салтанатга айланган Хоразмшоҳлар давлати ва мусулмон оламининг ўша даврдаги таянч нуқтаси бўлмиш Бағдод халифалиги ўртасидаги ўзаро муносабатлар бутун Марказий Осиё минтақасидаги ҳалқаро вазиятга бевосита таъсир этган. Шу сабабли ҳам, Бағдод халифалиги ўзининг жиддий рақибига айланган Хоразмшоҳлар давлати билан муносабатларини барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратган. Ўргадаги муносабатларни йўлга қўйиш учун муносиб элчини танлаш ишига ҳам халифа жиддий ёндашган, дейиш мумкин. Шу жиҳатдан, бу элчиликка халифалик ва унинг атрофидаги ҳудудларда катта мавқега эга бўлган Шайх Суҳравардий тайинланган эди. Шайх Суҳравардий нафақат диний илмларни, балки дунёвий илмларни ҳам яхши ўзлаштирган олим, шунингдек, кўплаб сиёсий масалаларни тинч йўл билан бартараф этган тажрибали дипломат эди. Шубҳасиз, Шайхнинг Ўрта Осиёда кенг тарқалган Суҳравардия таълимотининг асосчиси сифатида катта мавқега ва кўплаб издошларига эга бўлганлиги ҳам бу танловда эътиборга олинган.

Бироқ, Шайх Суҳравардийнинг Хоразмга элчилиги ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмаган. Бу эса, элчининг тажрибасидан қатъи назар воқеалар ривожи бевосита минтақада юзага келган сиёсий вазият ҳамда икки томон ўртасидаги муносабатлар характеристига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шайх Суҳравардийнинг тажриба ва маҳорати эса, юзага келган қалтис ҳолатларда ҳам усталик билан музокаралар олиб бора олганида кузатилади.

Шунингдек, таҳлил қилинган маълумотлар Хоразм ҳукмдорларининг ташқи сиёсатда тутган йўли, ҳалқаро майдонда эгаллаган ўрни ҳақида атрофлича маълумот беради. Салжуқийлар давлатига вассал бўлган кичик вилоятдан Марказий Осиёдаги йирик империягача кўтарила олган Хоразмшоҳлар давлати ва унинг ташқи алоқалари тарихини ўрганиш эса, бутун минтақадаги вазиятнинг тўла манзарасини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Ж. АВАЗОВА

**XIII АСРНИНГ БОШЛАРИДА ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ
ВА БАҒДОД ХАЛИФАЛИГИ АЛОҚАЛАРИДА
ШАЙХ СУҲРАВАРДИЙ ЭЛЧИЛИГИ**

Мазкур мақолада Хоразмшоҳлар давлатининг Бағдод халифалиги билан ўзаро дипломатик алоқаларини йўлга кўйишда ўзига хос ўрин тутган Абу Ҳавс Умар Шаҳобиддин Суҳравардийнинг элчи сифатидаги роли ва у орқали икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар динамикаси кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Хоразмшоҳлар, Бағдод халифалиги, Шайх Суҳравардий, Халифа Ан-Носир, Мұхаммад Хоразмшоҳ, элчилик алоқалари.

Ж. АВАЗОВА

**РОЛЬ ШЕЙХА СУҲРАВАРДИ В ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЯХ
ГОСУДАРСТВА ХОРЕЗМШАХОВ И БАГДАДСКОГО ХАЛИФАТА
В НАЧАЛЕ XIII ВЕКА**

В статье рассмотрена роль Абу Хафс Умар Шихабуддина Суҳраварди в установлении дипломатических отношений и стабилизации конфликтных ситуаций между государством Хорезмшахов и Багдадского халифата. На примере дипломатических миссий Суҳраварди автор попытался проанализировать динамику взаимоотношений между двумя государствами.

J. AVAZOVA

**THE ROLE OF SHEIKH SUKHRAWARDI IN DIPLOMATIC RELATIONS
OF KHWARAZMSHAHIDS WITH THE BAGHDADI CALIPHATE
AT THE BEGINNING OF THE 13th CENTURY**

The article illustrates the specific role of Abu Hafs Umar Shihabiddin Sukhrawardi in establishing the diplomatic relations between the Khwarazmshahids and the Caliphate of Baghdad. In addition, in the example of Sukhrawardi's diplomatic missions, there has been made an attempt to analyse the dynamics of relationship between the two countries.

Д. ЗИЯЕВА

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Ўзбекистон шаҳарлари жуда чукур тарихий илдизларга эга бўлиб, кишилик жамияти ва давлатчилик шаклланган даврлардан бошлаб илк цивилизация марказлари сифатида минтақа тарихида чукур из қолдирган. Буюк ипак йўлининг кашф этилиши билан илк давлатлар маркази бўлган шаҳарлар нуфузи янада ортиб, уларнинг иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб борган. Табиий омиллар ва ташқи хужумлар таъсирида вайронага айланган қадимий шаҳарлар ўрнида ёки уларга яқин ҳудудларда яна бошқа ном билан янги шаҳарлар қад кўтарган.

Шу тариқа кўп минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳар маданияти турли тарихий даврларда ташқи ва ички омиллар, табиий иқлим таъсирида турли даражада ривожланиб борган. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида Ўзбекистонда шаҳар маданияти жуда ривож топган ва бу анъаналарни кейинги асрларда ҳам сақлаб қолган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ўзбекистонда рўй берган сиёсий жараёнлар таъсирида шаҳарлар ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. 1860–1870 йилларда олиб борилган ҳарбий тажовузлар натижасида минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатган Россия империяси босиб олинган ҳудудларда 1867 йилда ташкил қиласан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган шаҳарлар, асосан, хонликлар давридаги собиқ бекликлар, яъни вилоятлар марказлари бўлган маъмурий, иқтисодий ва маданий марказлар эди. Ўлка маъмурияти уларни вилоят ва уезд марказларига айлантириб, маъмурий-ҳудудий бошқарувда ҳамда ўз иқтисодий манфаатларини қарор топтиришда уларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланди.

Бу даврда урбанизация жараёнлари, яъни шаҳарларнинг кенгайиб, ривожланиши ва шаҳар аҳолисининг кўпайиши турли омиллар таъсирида, бир неча босқичларда содир бўлди.

Биринчи босқичда (1865–1886 йилларда) Россия империяси мустамлакасига айлантирилган Туркистон ўлкаси ҳудуди ва аҳолиси янги забт этилган ерлар ҳисобига йил сайин кенгайиб борди. Дастлаб 1864–1865 йилларда Кўқон хонлигига, 1866–1868 йилларда эса Бухоро хонлигига, 1876 йилда эса яна Кўқон хонлигига қарашли шаҳарлар босиб олиниб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибиға кирити-

либ борди. Босиб олинган ҳудудларда тузилган Сирдарё ва Еттисув вилоятлари, кейинчалик эса Зарафшон воҳаси ва Фаргона водийси ҳудудидаги барча катта-кичик шаҳарчалар Россия мустамлакасига айлантирилди. Шаҳарларнинг маъмурий марказ сифатида белгиланиши, ҳар бир маъмурий марказда рус аҳолиси учун янги қисмлар барпо этилиши, ҳарбий кучларнинг жойлаштирилиши ҳисобига шаҳар аҳолиси таркибида келгинди аҳоли пайдо бўлиб, кўпайиб борди, улар учун барпо этилган хонадонлар ҳисобидан шаҳарлар ҳудуди кенгайиб борди. Истило жараёнларида камайиб кетган аҳоли сони жуда секин бўлса-да, тиклана бошлади.

Бу даврда шаҳарлар аҳолиси кўрсаткичлари истилодан аввалги даврга нисбатан камайиб кетганлиги кузатилган. Бу бир неча сабаблар билан изоҳланган. Энг аввало, қонли курашлар билан кечган ҳарбий тажовуз жараёнларида катта талафот кўрган шаҳарлар вайрон бўлиб, уларнинг минглаб аҳолиси ҳалок бўлди. Шу билан бирга деурбанизация, яъни шаҳар аҳолисининг камайиши, унинг маълум қисмининг қишлоқларга кетиш ҳолати ҳам содир бўлди. Вайронага айланган ва руслар эгаллаб олган шаҳарлардан ўз уйи, иш жойини ёки касбини йўқотган кишиларнинг шаҳар ташқарисига — дала ҳовлиларга, боғ хўжаликларига, дехқончилик қилиб кун кўриш учун дала-ларга кетиш ҳоллари кузатилади.

Бундай ҳолатлар билан бир қаторда айрим субъектив сабаблар ҳам бўлиб, бу, энг аввало, солиқ юкидан қутулиш мақсадида аҳоли сонини атайин камайтириб кўрсатишга уринишларда намоён бўлди. Шу боис ҳам бу даврда солиқ тўловчиларни аниқлаш учун тузилган аҳоли рўйхатларида маҳаллий аҳоли сони истило арафасидаги кўрсаткичлардан 2–3 марта кам эди. Шунингдек, рўйхат тузувчиларнинг аҳоли сонини аниқлашда қўллаган усулига кўра, шаҳардаги уй-жойлар сони аниқланиб, уни ўртacha 5 га кўпайтирилган ва шу асосда тахминий хulosага келинган.

Масалан, Тошкентда истило арафасида 20 000 хонадон мавжуд эди. Шаҳар босиб олиниши жараённида бир неча ўн минг киши ҳалок бўлди, уйлар вайронага айланди. Орадан 3 йил ўтиб, 1868 йилда Тошкентда 15 500 та уй-жой, 1871 йилда эски шаҳарда 16 776 хонадон борлиги аниқланади¹. 1885 йилда хорижий сайёҳ Г. Лансделл эски

¹ Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Выпуск I. Часть 3. С-Пб, 1872. 12-бет.

шаҳарда 17 500 та хонадон борлигини кўрсатади². Бу ҳақиқатта анча яқин эди, чунки 1889 йилга келиб шаҳарда 17 555 уй-жой рўйхатга олинади. 1897 йилда тузилган аҳоли рўйхатида эса Тошкентда 23 974 та турар жой борлиги кўрсатилади.

Тошкент аҳолиси истило арафасида турли манбаларда 150 000 дан ортиқ кўрсатилган бўлса³, истилодан кейин 1871 йилдаги аҳоли рўйхатига кўра, эски шаҳарда 76 092 киши яшаши қайд этилади⁴. Бунда ҳар бир хонадонга 4,5 кишидан тўғри келар эди. Бу ҳол бир томондан истило жараёнидаги катта йўқотишлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий аҳоли сонини тахминан, уй-жойлар сонини 5 га кўпайтириш орқали аниқланганлиги, солиқ юкини камайтириш учун маълумотларнинг қуйидан сохталашибилганлиги билан изоҳланар эди. Ваҳоланки, ўзбек халқи менталитети ва оиласвий ҳаёт анъаналарига кўра кўп фарзандли бўлиб, бир хонадонда бир неча авлод вакиллари яшар, уларнинг ўртача сони камида 6–7 та, ўртача 8–10 та бўлар эди. Шу боис ҳам XX аср бошига келиб, ўзбек халқи турмушини анча ўрганиб олган рус тадқиқотчилари Тошкент аҳолиси сонини аниқлаш учун шаҳардаги хонадонлар сонини 5 га эмас, 8 га кўпайтирганлар. Хуллас, бу босқичда шаҳар аҳолисининг сони тахминий кўрсаткичларга асосланганлиги сабабли реал ҳолатни тўлиқ акс эттира олмас эди.

Бу даврда Туркистон генерал-губернаторлиги ерлари ҳарбий тажовуз ҳисобига кенгайиб борган сари унинг аҳолиси ҳам ортиб борди. 1867 йилда Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан ташкил топган Туркистон генерал-губернаторлигига умумий аҳоли 1 060 000 кишини, 1869 йилда Зарафшон округи (кейинчалик Самарқанд вилояти деб аталган) кўшилгач, 1 529 560 кишини, 1876 йилда Фарғона вилояти кўшилгач, 2 950 000 кишини ташкил қилган. 1880 йилларга келиб эса ўлка аҳолиси 3 020 000 кишини ташкил этган⁵. Шундан 349 190 киши шаҳар аҳолиси бўлиб⁶, бу умумий аҳолининг 11,5 % ини ташкил қилган.

² Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., M.R.A.S., F.R.G.S. with frontispiece, maps, and illustrations, in two volumes. London. Sampson Low, Martson, Searle and Rivington. 188, Fleet Street. 1885, 438–441-бетлар.

³ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент, 1912. 42-бет.

⁴ Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Выпуск I. Часть 3. С-Пб, 1872. 12-бет.

⁵ Проект всеподданнейшего отчета ген.-адъютанта К.П. Фон-Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. С-Пб, 1885. 13-бет.

⁶ Ўша жойда. 32-бет.

Аммо ўлканинг ўтроқ аҳоли, яъни ўзбеклар яшаган қисмидаги шаҳар аҳолисининг нуфузи бундан ҳам баланд эди. Ўлка генерал-губернатори К.П. Фон-Кауфманнинг таъкидлашича, 85 % аҳолиси ўтроқ бўлган ҳудудларда шаҳарликлар нуфузи 20 % дан кам эмас эди⁷.

Дарҳақиқат, шаҳар аҳолисининг асосий қисми Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларига тўғри келиб, 334 930 кишини⁸, яъни 96 % ни ташкил этган. Шундан 265 610 киши, яъни 80 % ҳозирги Ўзбекистон таркибидаги шаҳарларга тўғри келган. Истилога қадар хонликлар таркибида бўлган, кўпроқ ўзбеклар яшаган, мустамлака даврида Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари таркибида бўлиб, 1924 йилдаги ҳудудий чегаралаш натижасида Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари таркибига киритилган Чимкент, Туркистон, Хўжанд ҳамда Ўратепа, Ўш, Панжикент шаҳарларида 1885 йилда жами 62 160 киши, яъни 18,5 % аҳоли яшаши қайд этилган⁹. Қолган қисмини янги ташкил этилган, аҳолиси бир неча юз кишини ташкил этган майда маъмурий марказлар ташкил қилган.

Масалан, 1885 йил маълумотларига кўра, Еттисув вилояти таркибидаги маъмурий марказ сифатида белгиланиб, шаҳарча сифатида қайд этилган 5 та манзилгоҳнинг фақат биттаси — Вернийда 10 700 киши яшаган. Қолган манзилгоҳларнинг иккитасида 1230 ва 1 550, яна 2 тасида 290 ва 490 киши яшаган. Жами вилоятдаги маъмурий марказларда 14 260 киши яшаган¹⁰. Кўриниб турганидек, 50–100 та хонадон яшаган манзилгоҳлар ҳам (ҳатто қишлоқ аҳолисидан ҳам кам бўлсада) шаҳар манзилгоҳи сифатида эътироф этилган, чунки улар маъмурий марказ сифатида белгилангандар эди.

Сирдарё вилоятида эса бу даврда шаҳар аҳолиси 221 325 кишини ташкил этган¹¹. Вилоят ва ўлка маркази Тошкентда 87 500 киши яшар эди. Мазкур вилоят таркибида Хўжанд (34 000), Жиззах (21 600), Туркистон (3 700), Чимкент (9 080), Ўратепа (14 600) ва Авлиёта (5 700) шаҳарлари ҳамда 500–600 хонадонга эга бўлган Перовск ва Казалинск каби рус шаҳарчалари ҳам бор эди.

⁷ Проект всеподданнейшего отчета ген.-адъютанта К.П. Фон-Кауфмана..., 33-бет.

⁸ Ўша жойда. 31–34-бетлар.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Ўша жойда, 31–32-бетлар.

¹¹ Сырдарьинская область. Описание, составленное по официальным источникам Е. Смирновым. С-Пб, 1887. 60-бет.

Иккинчи босқич (1886–1900 йиллар) да эса ўлкада урбанизация жараёнлари нисбатан фаоллашади. 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш давомида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида, яъни унинг таркибидаги Еттисув, Самарқанд, Сирдарё, Каспий орти ва Фарғона вилоятларида умумий аҳоли сони 7 747 200 кишини ташкил қилиши аниқланади¹². Шаҳар аҳолиси эса, 730 118 кишига етганлиги маълум бўлади. Бу умумий аҳоли таркибида 9,4 % ни ташкил этар эди. Бу эса бундан 12 йил аввалги кўрсаткичга, яъни 11,5 % га нисбатан анча кам эди. Аммо бу ўлкада деурбанизация, яъни шаҳар аҳолисининг камайганлигидан далолат эмас эди, чунки шаҳар аҳолиси 1885 йилдан 1897 йилгача, яъни 12 йил ичida 2 маротабага кўпайган эди. Бу даврда ўлка аҳолисининг сони ҳам кескин ортганлиги боис шаҳар аҳолисининг сони 2 маротаба кўпайса-да, нуфузи бир оз пасайган. Ўлка аҳолисининг сони кескин ортишига сабаб, туркман ерларининг бўйсундирилиши ҳисобига Каспий орти вилоятининг ташкил этилиши ҳамда метрополиядан Туркистонга рус дехқонларини кўчириб келиш сиёсати натижасида кўплаб янги қишлоқлар пайдо бўлиши билан изоҳланар эди. Нафақат қишлоқларда, шаҳарларда ҳам келгинди аҳоли кўпайган эди.

Иккинчи босқичда ҳам шаҳарликлар нуфузи, асосан, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида шаҳар аҳолиси ҳисобидан ўсиб борди. Бу вилоятларда шаҳарликлар умумий аҳолининг 16,3 % ини ташкил қиласи эди. Яъни умум Туркистон кўрсаткичларига нисбатан 2,5 % га кўп эди. Алоҳида вилоятлар бўйича олиб қараганда, 1897 йилда Самарқанд вилоятида шаҳар аҳолиси 15,7 % ини, Сирдарё вилоятида 13,9 % ини, Фарғона вилоятида 18,1% ни ташкил этар эди¹³. Демак, шаҳар аҳолисининг улуши бўйича Фарғона вилояти энг катта кўрсаткичларга эга бўлган. Бу вилоятда шаҳар аҳолиси зичлиги билан ажralиб турар эди. Энг катта шаҳар, яъни пойтахт Тошкент жойлашган Сирдарё вилоятида эса шаҳар аҳолисининг сони энг кўп бўлса-да, умумий аҳоли таркибидаги нуфузи бошқа вилоятларга нисбатан камроқ эди.

1880 йиллардан темир йўллар қурилиши билан уезд ва вилоят марказларида рус аҳолисининг кўпайиши, темир йўл станциялари ва уларга яқин ҳудудларда янги рус манзилгоҳлари ва маъмурий мар-

¹² Общий свод по империи разработки данных первой всеобщей переписи населения, произведенной 28 января 1897 г. С-Пб, 1905. Т. I. 6–7-бетлар.

¹³ Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Пг., 1914. Т. 19. 349-бет.

казлар ташкил қилиниши ҳамда уларга шаҳар мавқеининг берилиши каби ҳолатлар урбанизация жараёнига таъсир этган энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Айни пайтда аҳолининг табиий ўсиши ҳам ўз ўрнига эга бўлди.

Учинчи босқичда (1900–1917 йиллар) урбанизация жараёнлари темир йўллар тармоғининг янада кенгайиб, ўлканинг барча асосий шаҳарларига етиб бориши, вилоят шаҳарлари ўртасида ва метрополия билан ўзаро алоқалар ҳамда меҳнат миграциясининг фаоллашуви билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу даврда урбанизация жараёнлари нафақат транспорт омили, балки бошқа иқтисодий омиллар билан ҳам боғлиқ бўлди. Хусусан, янги ташкил қилинган саноат корхоналари ва темир йўл станцияларида иш ўринларининг пайдо бўлиши, ёлланма меҳнат турларининг кўпайиши, бозорларнинг кенгайиши, савдо алоқаларининг ривожланиши каби иқтисодий омиллар, маҳаллий аҳоли сонининг табиий туғилиш ҳисобига ўсиб бориши шулар жумласидан бўлиб, урбанизация жараёнларини тезлаштирган муҳим омиллар бўлди. Натижада ўлкада катта шаҳарлар сони кўпайди, ўртача шаҳарлар кенгайди, майда шаҳарлар камайди.

Туркистон генерал-губернаторлиги аҳолиси ҳақидаги энг сўнгги маълумотларга қараганда эса, 1914 йилга келиб, бутун ўлка аҳолиси, яъни Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Еттисув ва Каспий орти вилоятларининг умумий аҳолиси 7 147 500 кишига етган. Шаҳарликлар эса бутун Туркистон бўйича 1 202 800 киши ташкил қилган, яъни умумий аҳолининг 16,8 % ини ташкил қилган. Шаҳар аҳолисидан 421 100 киши Фарғона вилоятига (35 %), 363 300 киши Сирдарё вилоятига (30 %), 208 500 киши Самарқанд вилоятига (17,3 %), 125 000 киши Еттисув вилоятига (10,4 %) ва 85 000 киши — Каспий орти вилоятига (7 %) тўғри келар эди¹⁴. Демак, шаҳар аҳолисининг 82 % ҳозирги Ўзбекистон худудига тўғри келган.

Шаҳар аҳолиси умумий аҳоли таркибида 16,8 % ни ташкил этар эди. Демак, 1885 йилдан 1914 йилгacha, яъни 30 йил ичida эса 39,2 % га ортган.

Туркистон вилоятларида бу даврда жами 29 та шаҳар қайд этилган бўлиб, улардан 20 таси ҳозирги Ўзбекистон худудига кирувчи Фарғона (7 та), Сирдарё (7 та), Самарқанд (6 та) вилоятларига, 3 таси Каспий орти ва 6 таси Еттисув вилоятларига тўғри келган¹⁵.

¹⁴ Статистический ежегодник России. 1914 г. Пг., 1915. Отд. I. 33–57-бетлар.

¹⁵ Ўша жойда. 1–25-бетлар.

1914 йил маълумотларига кўра, Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида жами аҳоли 5 344 300 кишини ташкил этган¹⁶. Мазкур вилоятлардаги шаҳар аҳолиси эса 992 900 кишини ташкил этган. Бу шу 3 вилоятдаги умумий аҳолининг 18,5 % ини ташкил қиласр эди. Туркистон генерал-губернаторлиги миқёсида эса шаҳарликлар умумий аҳолининг 16,8 % ини ташкил қиласр. Бу даврда Россия статистик тадқиқотларида Ўрта Осиёдаги шаҳар аҳолисининг нуфуси 14,5 % кўрсатилган, чунки минтақа таркибида ҳозирги Қозогистон ҳудудини қамраб олган вилоятлар ҳам ҳисобга олинган. Ваҳдоланки, Туркистон генерал-губернаторлигининг ўзида бу кўрсаткич 16,8 % ини ташкил қиласр, Россия империясининг ўзида эса шаҳар аҳоли нуфуси бундан камроқ — 15 % ни ташкил қиласр эди¹⁷.

Туркистон генерал-губернаторлигидаги шаҳар аҳолисининг 80 % Ўзбекистон ҳудудига тўғри келар эди. Бу ҳолат Ўзбекистон шаҳарларининг асрлар давомида ривожланиб келган маданиятга эга эканлиги, қадим даврлардан цивилизация ва урбанизация ўчоқлари бўлганлиги билан изоҳланар эди.

Минтақа миқёсида олиб қараганда шаҳар аҳолисининг нуфуси 1897—1914 йиллар давомида, яъни 16—17 йил мобайнида 13,3 % дан 16,8 % га кўтаришган. Асосий қисми бугунги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келган шаҳарлардаги аҳоли нуфуси 1897 йилда 16,3 % бўлса, 1914 йилга келиб 18,5 % га етган.

1914 йилда Туркистоннинг Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона воидийсиздаги шаҳарлар типологияси улардаги аҳоли сонига қараб қўйидагича бўлган¹⁸:

- аҳолиси 250 000 дан ортиқ шаҳарлар — Тошкент (256 702);
- аҳолиси 100 000 дан ортиқ йирик шаҳарлар — Қўқон (150 000);
- аҳолиси 50 000 дан 100 000 гача бўлган катта шаҳарлар — Самарқанд (89 693), Андижон (79 496), Наманган (75 567), Марғилон (62 825);
- аҳолиси 20 000 дан 50 000 гача бўлган ўрта шаҳарлар — Хўжанд (40 000), Ўш (47 149), Чуст (27 884), Ўратепа (22 191), Чимкент (22 516), Авлиёта (21 035);
- аҳолиси 5 000 дан 20 000 гача бўлган кичик шаҳарлар — Жиззах (18 426), Каттақўргон (10 621), Перовск (14 528), Туркистон

¹⁶ Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Том 19. 1—25-бетлар.

¹⁷ Статистический ежегодник России. 1914 г. Пг., 1915. Отд. I. 61-бет.

¹⁸ Ўша жойда, 1—25-бетлар.

(19 905), Казалинск (17 915), Янги Марғилон (Скобелев — 11 466), Панжикент (8 176), Ургут (10 200)¹⁹.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўлкада аҳолиси 5 000 дан ортиқ, аммо маъмурий марказ бўлмаганлиги боис шаҳар қаторига киритилмаган манзиллар ҳам бор эди. Хусусан, Тошкент уездидаги Пскентда 1885 йилдаёқ 1 135 та хонадонда тахминан 6 000 дан ортиқ киши яшаган, бу ерда 4 та бозор, 14 та карвонсарой, 34 та масжид, 12 та мадраса фаолият юритган. Лекин статистик маълумотларда шаҳар сифатида ҳисобга қўшилмаган.

Бундай манзиллар Туркистон ҳудудида жуда кўп эди, лекин фақатгина маъмурий марказ сифатида белгиланган ҳудудларгина шаҳар ёки шаҳарча деб тан олинган. Бунда аҳолиси ҳатто 1000 кишига етмаган ҳудудлар ҳам маъмурий марказ бўлганлиги сабабли шаҳар мақоми берилган. Аммо хонликлар даврида маъмурий марказ бўлиб келган, етарли салоҳиятга эга бўлган айрим шаҳарлар, хусусан, Марғилон, Туркистон, Чимбой шаҳарлари турганда улар яқинида ташкил этилган Янги Марғилон, Казалинск ва Петро-Александровск каби янги рус манзилгоҳлари уезд ёки бўлим маркази сифатида белгиланиб, уларга сунъий равишда шаҳар мақоми берилган. Бундан кўзланган асосий мақсад қайд этилган ҳудудларда рус аҳолисини тўплаш ва ўлка маъмуриятига таянч бўладиган шаҳарчаларга эга бўлиш эди.

Лекин бу даврда урбанизация жараёнлари, асосан, қадимдан маъмурий, иқтисодий ва маданий марказ бўлиб келган шаҳарлар атрофига содир бўлди. Уларнинг қадимдан савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлганлиги ва савдо йўлларида жойлашганлиги бунга катта имкон яратди. Мазкур шаҳарларнинг темир йўллар билан боғланиши иқтисодий алоқалар ва миграция жараёнларини янада фаоллаштириди. Бир томондан метрополиядан келгинди аҳолининг кўчиб келиши тезлашиб, кўпайиб борди, иккинчи томондан савдо алоқалари фаоллашиб борди. Шаҳарларда барпо этилган янги қисмларда нафақат маъмурият ва ҳарбийлар, балки савдо-саноат аҳли, темир йўллар ва корхона ишчилари, сармоядорлар сони жадал кўпайиб борди. Шаҳарларда нафақат рус аҳолиси, балки бошқа европалик келгинилар ҳамда яхудийлар сони ҳам йил сайин ўсиб борди.

¹⁹ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлиарида. Тошкент, 2014. 151-бет.

Бу жараёнлар заминида ётган мустамлакачилик манфаатлари, расмий ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши ва барча ресурсларнинг шу мақсадларга йўналтирилиши уларни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни ҳозирлаб берди. Шаҳарлардаги «янги» қисмлар, темир йўл станциялари, дарё кечувлари яқинида ташкил этилган янги рус манзилгоҳлари қисқа фурсатда шаҳарчаларга айланиб, уларда ижтимоий инфратузилмалар, маданий муассасалар пайдо бўлди. Аммо уларнинг аҳолиси ва ҳудуди ўлқадаги анъанавий шаҳарлардан анча кам бўлиб, кенг кўламда ривожлана олмади. Маданий марказ ҳам бўла олмади. Улар, асосан, минтақа ресурсларини метрополияга йўналтириш марказлари ёки маъмурий марказ сифатида шаклланди.

Аммо маҳаллий аҳоли яшаган эски шаҳарларда катта иқтисодий салоҳият, кўп асрлик шаҳар маданияти мавжудлиги боис, гарчи уларга маблаг сарфланмаса-да, ўз анъаналарини сақлаб қолиш билан бирга аҳолиси ҳам ортиб борди. Ҳатто илгари маъмурий марказ бўлган айрим шаҳарлар (Марғилон, Чуст, Туркистон ва б.) қисқа фурсат уезд маркази бўлиб, кейинчалик маъмурий марказ сифатидаги мавқеини йўқотса-да, савдо, ҳунармандчилик ва маданий марказ сифатидаги ролини сақлаб қолди, аҳолиси табиий ўсиш ҳисобига кўпайиб, иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этди.

Натижада Туркистон шаҳарларида табиий ва механик ўсиш ҳисобига аҳоли сони 50 йил мобайнida 2–2,5 маротаба, баъзи жойларда 3 маротаба ортди. Аҳолининг табиий ўсиши кўпроқ эски шаҳарларга, механик ўсиши эса бу ҳудудларга ёнма-ён ташкил этилган янги шаҳарчаларга тўғри келди.

Бу даврда юқорида қайд этилганидек, шаҳарларда транспорт, коммуникациянинг ривожлантирилиши, айниқса, темир йўлларнинг қурилиб, ишга тушиши урбанизация жараёнларига катта таъсир қилди. Бу таъсир натижасида шаҳарларнинг савдо маркази сифатидаги нуфузи ортиб, уларга четдан капитал, яъни сармоя кириб келиши кучайди, ички алоқалар, айниқса, метрополия билан алоқалар жадаллашди. Шаҳарларнинг савдо айланмаси жадал ўсиб борди, савдогарлар фаолияти ва иш кўлами кенгайиб, бу соҳа билан шугулланувчилар сони йил сайин ортиб борди. Шаҳарларда иқтисодий инфратузилмалар (саноат корхоналари, банк-кредит тизими, биржа, савдо-саноат фирмалари, транспорт-савдо идоралари, акциядорлик жамиятлари) вужудга келиб, фаол иш олиб бориши иқтисодий жараёнларни янада жадаллаштириб, шаҳарларга келгинди аҳоли ва ишчи кучининг оқиб келишини кучайтириб борди.

Ўлкадаги барча иқтисодий ресурсларни метрополияга йўналтиришга хизмат қилган бу жараёнлар маҳаллий аҳолини ҳам ўз домига тортди. Саноат корхоналари, транспорт идоралари, темир йўллар қурилиши ва фаолиятида нафақат шаҳарларнинг ўзидағи, балки вилоятдан иш қидириб келган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этар эди. Ишчи кучи миграцияси, яъни келгинди ва маҳаллий аҳолининг иш қидириб, шаҳарларга келиши урбанизация жараёнларининг муҳим омилларидан бири бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон генерал-губернаторлигига мустамлака шароитида содир бўлган урбанизация жараёнларида шаҳарларнинг кенгайиши ва шаҳар аҳолисининг кўпайишида табиий ўсиш омили ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаса-да, транспорт (темир йўллар) ва миграция омиллари жуда катта роль ўйнади. Шаҳар маданиятининг ривожланиши эса асосан рус маъмулари, ҳарбийлари ва аҳолиси яшайдиган янги қисмда замонавий инфратузилмалар яратиш билан чекланиб, маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмida эса XIX аср даражасида қолди. Асрлар давомида шаҳар маданиятининг кўзгуси бўлган анъанавий инфратузилмалар ўз аҳамиятини йўқотмаса-да, замон талаблари ва янгиликларидан анча ортда қолган эди. Шу тариқа шаҳар маданияти ва шаҳарсозлик мустамлака манфаатлари доирасида ривожланиб, маҳаллий аҳоли манфаатлари инобатта олинмади. Бу эса шаҳар маданиятининг нотекис ривожланишига олиб келди. Бу давр шаҳарларида ёнма-ён икки хил манзара — рус аҳолиси учун замонавий инфратузилмаларга эга янги шаҳарчалар ҳамда маҳаллий аҳоли жойлашган, замон талабларидан ортда қолган, ўтган аср даражасида ги эски шаҳар қиёфалари яққол кўзга ташланиб, мустамлака маъмурологиятининг шовинистик муносабатини намоён этиб турар эди. Аммо иқтисодий марказ мақоми барibir тарихий тажриба, анъаналар ва катта салоҳиятга эга бўлган эски шаҳарларда қолди. Янги маъмурий марказлар, янги шаҳарчалар, рус манзилгоҳларида келгинди аҳоли учун тегишли шарт-шароит, инфратузилмалар яратилса-да, улар савдо, ҳунармандчилик марказларига, яъни иқтисодий марказ мавқеига эриша олмадилар. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари мустамлака шароитидаги чеклашларга қарамай, ўз нуфузини сақлаб қолди.

Д. ЗИЯЕВА

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА
ТУРКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ**

Мақолада илк бор турли манбалар, хусусан, статистик маълумотлар асосида мустамлака шароитида Туркистон ҳудудидаги урбанизация жараёнлари босқичма-босқич таҳлил қилинади. Шаҳар ривожи ва аҳолиси сонининг ўсишига таъсир қилган турли омилларни аниқлаш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу омилларнинг — темир йўлларнинг курилиши, кўчиб келган аҳолининг шаҳарларда тўпланиши, меҳнат миграцияси, шунингдек, маҳаллий аҳолининг табиий ўсиши катта роль ўйнаганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: урбанизация, миграция, шаҳарлар типологияси, шаҳарлар, уезд ва вилоят марказлари, шаҳар маданияти, маъмурий марказ, савдо, хунар-мандчилик, шаҳар тузилиши, урбанизация омиллари, «янги» шаҳар, «эски» шаҳар, келгинди аҳоли.

Д. ЗИЯЕВА

**ГОРОДА И ПРОЦЕССЫ УРБАНИЗАЦИИ В ТУРКЕСТАНЕ
В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА**

В статье впервые на основе различных источников, в частности статистических сведений, поэтапно прослеживаются процессы урбанизации на территории Туркестана в условиях колониализма. Особое вниманиеделено изучению и выявлению различных факторов, повлиявших на развитие городов и увеличение городского населения. Как свидетельствует анализ различных факторов, большую роль в этих процессах сыграли строительство железных дорог, накопление пришлого населения в городах, трудовая миграция, а также естественный прирост местного населения.

D. ZIYAYEVA

**THE CITIES AND URBANIZATION PROCESS IN TURKESTAN
AT THE END OF THE 19th CENTURY AND BEGINNING OF THE 20th CENTURY**

The article, for the first time based upon various sources, particularly statistical data, demonstrates a step by step process of urbanization in territory of Turkestan under colonial conditions. Special attention is paid to the study and detection of various factors which influenced on the development of urban areas and increase of urban population. The analysis of various factors shows that the construction of railroads, concentration of newly arrived population in towns and cities, labour migration as well as natural growth of the local population played a significant role in these processes.

A. TOFAEVA

**XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН
ШАҲАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛANIШ ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА МУАММОЛАРИ (1950–1990 йиллар)**

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муҳим тарихий жараён бўлиб, уларнинг инсоният тамаддунига кўшган ҳиссаси бекиёсdir. Ўзбекистон шаҳарлари ҳам жаҳон тараққиётида ўзига хос ўрин тутади. Юртимизнинг Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз сингари ўнлаб шаҳарлари дунёning маълум ва машҳур шаҳарлари сафидан ўрин олган бўлиб, улар ҳақли равишда халқимизнинг миллий ифтихори сифатида ардоқланади.

Маълумки, турли тарихий даврларда шаҳарларимиз ички ва ташқи омиллар таъсирида гоҳ юксалиш, гоҳ таназзул ҳолатини бошдан кечирган. Совет даврига келиб, Ўзбекистонда шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни ўзига хос тарзда кечди. Бу даврда совет ҳукумати ва коммунистик партия томонидан шаҳарлар сони ва тараққиётини, уларда ишлаб чиқарувчи кучлар ва аҳолини жойлаштиришни бошқариш ва режалаштириш сиёсати олиб борилди¹.

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, кўриб ўтилаётган йилларда республикамиз шаҳарсозлигига катта ўзгаришлар қўлга киритилди. Жумладан, бу даврда кўплаб янги шаҳарларнинг бунёд этилиши, шаҳарлар меъморий қиёфасининг ўзгариши, кўп қаватли улкан биноларнинг бунёд этилиши, шаҳар хўжалигининг ривожланиши, ижтимоий инфратузилманинг тараққий топиши, транспорт коммуникацияларининг ривожлантирилиши, шаҳарларни ободонлаштириш, газлаштириш, водопровод тармоқлари ва канализация қувурларининг ўтказилиши каби қатор майший қулайликлар яратилишида муҳим натижалар қўлга киритилди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Ўзбекистонда шаҳар маданиятининг юксалишига хизмат қилди.

Шу билан бирга, совет ҳукуматининг Ўзбекистонда олиб борган шаҳарсозлик сиёсатида жиддий камчиликлар ҳам учраган. Хусусан, янги шаҳарларнинг барпо этилишида республикада мавжуд хом ашё ва меҳнат ресурсларидан марказ манфаатлари мақсадида фойдала-

¹ Зухридинов А. Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1982. 9-бет.

ниш устувор аҳамият касб этган. Шунингдек, шаҳарларнинг лойиҳалаштирилиши ва қурилишида ҳамма вақт ҳам табиий-иклим, миллий-тарихий шароитлар ёки экологик вазият эътиборга олинмаган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлардан 1990 йилларгача ўтган вақт давомида Ўзбекистон ССРда шаҳарлар тараққиёти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган эди. Уларнинг энг асосийси шундан иборатки, бу пайтга келиб республика ҳудудида шаҳарлар сони мисли кўрилмаган тезлик билан кўпайиб борди. Қуйида келтирилаётган маълумотлар Ўзбекистонда шаҳарлар сони динамикаси ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хузуридаги Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, 1947 йилнинг 1 июлида республика ҳудудида 27 та шаҳар ва 12 та шаҳар типидаги посёлка хисобга олинган².

